

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

«Педагогика ва психология» факультети

«Ҳимояга рухсат этилсин»

факультет декани

Бекмуратов Н.Ш.

2013 йил «___» _____

«Мактабгача таълим ва болалар спорти» таълим йўналиши
401 гуруҳ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда
меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш”

Бажарувчи: Д.Р.Бахрамова

Илмий раҳбар: Ш.Т.Хасанова

Ҳимояга тавсия этаман

«Мактабгача таълим» кафедраси

муdiri п.ф.н., в.б. доц. _____

Ш.Содиқова «___» _____ 2013 йил

Такризчи: _____

Такризчи: _____

Тошкент – 2013

Кириш

I Боб. Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришнинг назарий асослари.

1.1. Ўзбек халқ амалий санъати турларидан каштачилик ҳунарининг ривожланиши ва тарихи.

1.2. Каштачиликда безак буюмлари турлари

1.3. Кашта тикиш технологияси

I Боб бўйича хулоса.

II Боб. Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари.

2.1. «Болажон» дастури асосида каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришнинг ҳозирги ҳолати.

2.2 Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришнинг аҳамияти.

II Боб бўйича хулоса.

III Боб. Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш мазмуни

3.1. Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришнинг самарадорлигини ошириш усуллари

3.2. Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари.

III Боб бўйича хулоса.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Илова.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талаблари асосида мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсади ёш авлодни истиқлол мафкураси руҳида соғлом, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тарбиялаш ва мактаб таълимига тайёрлашдан иборат¹.

Юртбошимиз таъкидлаганидек «мактабгача таълим тури — болани мактабга тайёрлаш билан бирга, уни соғлом бўлиб ўсишини таъминлайди, мунтазам таълим олишга тайёрлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади. Кейинги йиллари мактабгача таълим муассасаларининг янги тармоғи шаклланиб бормоқда. Мисол тариқасида оилавий таълимнинг кўринишларидан бири «Хонадон боғчаси», шунингдек, «Фермер хўжалиги боғчаси», «Болалар боғчаси-бошланғич мактаб» мажмуаларини келтириш мумкин. Болаларга хореография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлигини ўргатувчи гуруҳлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси мактабгача ёшдаги фарзандларимизни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратмоқда. Демак, фарзандларимиз оилада тарбия кўрадиларми, боғчаларга борадиларми охир-оқибатда мактабга тайёр бўлиб келишлари ҳам дастури미зда белгиланган асосий вазифалардан биридир»²

Узлуксиз таълим тизимининг барча таълим муассасаларида, оилада, маҳалла жамоатчилиқда, барча соҳаларда ёшларга касб-ҳунарлар ақидаларини ўргатиб бориш зарур бўлади. Касб-ҳунарлар рисоалари ҳунар кишиси фазилатлари, тартиби, одоби мажмуаси пирлари, машойихлари, муқаддас қоидалари тўғрисида тинимсиз изланишлар олиб бориш, тадқиқотлар натижаларини ёшларга ўргатиб сингдириб бориш ҳар бир устоз, мураббийнинг ҳозирги даврдаги долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Зеро, Президентимиз И.А Каримовнинг 1997 йил 31-мартдаги “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонидаги ва 2006 йилда қабул қилинган маҳаллий саноат ва касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги қатор фармонларидаги “Ёшларни халқ

¹ Ш.Шодмонова. мактабгача таълим педагогикаси.фан ва технология. 2008. 14-б.

² Каримов.И.А. «Баркамол авлод орзуси». «Шарқ».Т., 1999 й. 149-150бет

санъати усталарининг кўникмаларига ўқитиб, ўргатиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришда амалий ёрдам кўрсатиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг, республика вазирликлари ва идораларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин” деб таъкидлаган йўл-йўриқларининг амалдаги ижросини таъминлаш ҳар бир ота-онанинг, ҳар бир фуқаро ва раҳбарнинг бурчи ҳисобланиши лозим.

«Оилавий табдиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон республикасининг қонунида мустаҳкамлаб қўйилган бир қатор имтиёз ва имкониятлар ҳар бир ишбилармон кўнглида янги-янги эзгу мақсадлар уйғотмоқда.

Кашта нақшлари... чамандек очилган гуллар, қўл тегса учиб кетишга шайдек капалак тасвири, бир-бирига мутаносиб танланган ёрқин ранглар жилоси кўзларни қамаштиради, қалбларга ёқимли ҳислар бахш этиб, завқингизни оширади. Синчиклаб разм солганингизда эса, ҳар бир шакл ва чокнинг шунчаки тикилмагани, уларда қандайдир мажозий маъно мужассамлашганини англайсиз. Нозик ипакда тикилган тасвирларнинг сирли шивирлари бизни ҳаётнинг нақадар гўзаллигига, яшаш завқи, поклик ва нафосат туйғуларига ошно этаётгандек туюлади. Дарҳақиқат, бизни оҳанрабодек ўзига тортган бадиий безаклар, халқ амалий санъати турларидан бири — каштадўзлик диёримизда жуда қадимдан ривожланган. Оддийгина услубда — игна ва ипак ёрдамида матога энг нафис ва ёрқин рангли ипларда бетакрор тасвирлар тушириш санъатини момоларимиз пухта эгаллаб, янги нақшлар билан бойитган ҳолда қизларига ўргатиш анъанаси асрлар давомида яшаб келаётир. Боиси, бизда ҳар бир оилада аёл киши кийим-кечакларни ўзи тиккан, уйга файз киритувчи бадиий буюмлар — сўзана, кирпеч, дорпеч, ойнахалта, чойхалталар хонадонларнинг ўзида тайёрланган.

Айни шу омиллар боис, юртимизнинг ҳар бир ҳудудида каштачилик кенг тарқалган, иқлим, табиий шароит ва муҳитга боғлиқ ҳолда турли услублар билан бойиган. Нурота, Бухоро, Самарқанд каштадўзлари кўпроқ йўрма чоки услубини қўлласа, Шаҳрисабзда кандахаёл, ироқи, Тошкентда эса кўпроқ босма чок ёрдамида бадиий буюмлар безатилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳудудлардаги тафовутни юзага келтирган чоклар нафислиги, кашта тикиш ва услубларнинг турли-туманлиги ўзбек каштадўзларининг катта санъати, салоҳиятидан далолатдир.

Истиқлол берган имконият, қолаверса, мамлакатимизда халқ амалий санъатига жиддий эътибор, ҳунармандларга ғамхўрлик боис ўзбек каштачилигида улкан муваффақиятларга эришилаётир. Хусусан, Президентимизнинг «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони момомерос ҳунарларимиз ривожининг янги босқичига туртки берди.

Кашта шунчаки кўзни қувнатиш учун тикилмайди, балки ҳар бир чок, ҳар бир шакл, ҳар бир рангга ўзига хос маъно мужассамлаштирилади. Масалан, анор гулли сўзана — ёшларнинг серфарзанд бўлишига билдирилган тилак, «Боғи чаман» деб аталган сержило манзара эса, уларнинг турмушлари гўзал кечишини ният қилиниб тикилган. Миллий каштачилигимизда кўп учрайдиган қалампир гуллари эса ёмон кўздан асрашга, нақшлар аро тасвирланган балиқ сурати покликка ишора. Балиқ тасвири кўпинча келин-куёвлар учун тикилган ёстиқ жилдларида акс эттирилган ва бир оила бўлган жуфтликка мудом садоқат, ҳалол яшаш ҳақидаги ўғит ва истакни эслатиб турган. Хуллас, маънавий бойлигимиз бўлган бу қадим санъат орқали момоларимиз ўз ички кечинмаларини, орзу-истакларини, қувонч-шодлигини уйғун ифодалаб келишган.

Президентимиз Ислом Каримов: “Асрлар давомида ақл заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади. Меҳнат қилди, доимо хуррият ва эрк сари интилди. Ана шу миллий ғурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир”, - деб таъкидлаганлари бежиз эмас.

Халқимизнинг, мустақил Ўзбекистоннинг келажаги буюк, истиқболида улуғ ишлар, зафарлар, ғалабалар кутмоқда. Шундай экан, мана шу ғалаба ва ютуқларга эришишимизнинг калити келажак ёш авлод қўлида, уларнинг таълим-тарбиясига боғлиқдир.

Ёш авлодга ҳунар ўргатиш орқали меҳнат тарбиясини амалга ошириш жуда муҳимдир. Меҳнат - инсоннинг мақсадга йуналтирилган фаолияти бўлиб, ҳаёт кечиришининг асосий шартидир. Меҳнат туфайли инсон ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини амалга оширади. Инсоннинг ўзи эса меҳнаткаш бўлиб, у туфайли ўзининг истеъдоди, қобилияти, лаёқатини намоён этади. Меҳнат жараёнида

инсоннинг дунёкараши кенгайиб, билим савияси ошиб, ўз-ўзини жисмоний ва маънавий жихатдан шакллантириб боради.

Халкимиз меҳнатни бош тарбиячи деб атади. Сабаби инсон тарбияси асосан меҳнатга бўлган муносабатларга қараб белгиланиши бежиз эмас. Меҳнат ҳаёт демакдир. Меҳнат бахт калитидир. Меҳнат тарбияси эса тарбияни мағизини, меҳнаткашларнинг тарбиявий фаолияти мазмунини ташкил этади. Ҳамма халқларнинг энг илғор анъаналари меҳнат жараёнида пайдо бўлади, такомиллашади. Халқ оммаси ҳар доим энг илғор анъаналари, яхши ва улуғ нарсаларнинг ижодкори ҳисобланган. Халқ ҳаётини, яшаш тарзини урганиш учун ҳам меҳнат анъаналарини билиш лозим.

Меҳнат анъаналарининг тарбиявий аҳамиятини унутмаслик лозим. Чунки меҳнатни муносабатни қарор топтириш ёш авлод тарбиясининг асоси ҳисобланади. Меҳнат анъаналарининг таянчи сифатида ёшларни ҳаётга, ижтимоий меҳнат фаолиятида иштирок этишига тайёрлаш ҳам муҳим рол уйнайди. Чунки меҳнат анъаналари замирида шахснинг ахлокий сифатлари – меҳнатсеварлик, ерга ва табиатга муҳаббат, сувни исроф этмаслик, саҳийлик, ҳар бир пулнинг қадрига етиш, қаҳрамонлик, меҳнат бахт келтиришини қарор топади.

Болаларнинг меҳнатга муҳаббат қўйиб ўсишида оиладаги ижтимоий муҳит жуда катта роль уйнайди. Ўзбек оилаларида болаларнинг меҳнатга меҳр қўйишида қадимдан катталар намуна кўрсатиб келганлар. Одатда қизлар уй хўжалигида онага ёрдам беришган, укаларига қараган, уйни саришта килишиб, тикиш-бичишни ўрганишган. Ўғил болалар эса экин экиш уни парваришлаш, йиғиш, янчиш, хайвонларни боқиш каби юмишларни бажаришган. Оила аъзолари етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғишда, айникса пахта полиз экинлари, узум ва мевали дарахт ҳосилини йиғиб териб олишда катта-ю кичик баробар иштирок этишади.

Халқнинг донолиги шундаки у болаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга ола билган ва оилавий тарбияни халқ фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борган. Яна бир жихатга эътиборни қаратамиз. Шарқ халқлари иш ёқмас бекорчиларни ҳамиша қоралаб келган. Шунинг учун оилада ишсиз юриш ҳиссини тарбиялашга эътибор берилган. “Бекор тургунча, бекор ишла”, “Ишлаган-тишлайди,

ишламаган кишнайди” “Ишлаган хор булмас”, “Ялқовликнинг охири хўрлик”, “Бекордан худо безор” каби мақолларда халқнинг меҳнатсеварлик руҳида акс этиб, мақсадсиз ҳаёт кечириш қораланган.

Халқнинг ибратли хикматлари, мақол ва маталлар, нақллардан кекса авлод вакиллари ўз тажрибасида жуда оқилона фойдаланиб келган. Ана шулар ҳақида ўйлаганингда халқ хикматлари ва мақол ва маталлари бежиз дунёга келмаслигига, улар халқ топқирлигини ифодалабгина қолмай муҳим воқеа ва ҳодисаларнинг, ижтимоий жараёнларнинг акси эканлиги ҳам ишонч ҳосил қиласан.

Хунарли – зар, хунарсиз хор.

Ўзбек оилаларидаги эътиборга лойиқ яхши удумларнинг яна бири шундаки, улар болаларни ёшлигиданоқ хунарга, маълум бир касбга, умуман меҳнатга ўргатиб борадилар. Кўп оилаларда ёшларни биринчи навбатда бирон хунарли бўлишига ҳаракат қилинади. Ҳозир кўп оилаларда болаларнинг мактабда яхши ўқишига, келажакда бирон олий ўқув юртига кириб ўқишига ҳаракат қилинади. Лекин шундай оилалар борки, уларда авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъанавий хунарлари, касблари мавжуд.

Бундай оиладаги болаларнинг ҳаммаси яхши ўқиган, олий маълумот эгаси бўлсаларда, оиланинг анъанавий хунарини яхши эгаллайдилар.

Ҳар бир инсон у ёки бу касбини ёки бир неча касб - хунарни эгаллаши мумкин. «Бир йигитга қирқ хунар ҳам оз» деган мақолнинг мазмунида ҳам бир неча касбни эгаллаш ҳаётининг эҳтиёж эканлигига ишора этилади. Ҳар бир касбнинг, хунарнинг ўзига хос машаққати ва лаззати бор. Унинг машаққатини матонат, тинимсиз изланиш, сабр-тоқат билан енгган инсонгина унинг лаззатидан баҳра олади.

Ёшлиқда пухта эгалланган хунар, меҳнат малакалари инсон умрининг охиригача роҳат – фароғатда турмуш кечиришнинг гаровидир. «Хунарли эр хор бўлмас, бурда нонга зор бўлмас», «Хунарманднинг нони бутун», «Хунар зар хунарсиз хар» (хар - эшак). «Билган билар, билмаган йитар», «Хунарли йигит меваги дарахт» каби мақолларда ҳам ризқ-насибанинг бутунлиги хунар орқасидан бўлишига ишора этилади. Хунар шунчалик катта, мангу бойликки, уни ўғирлаш ҳам, ёндириш ҳам йўқ қилиш ҳам мумкин эмас.

Оилада ёшларнинг касб-хунар эгаллашлари, меҳнатсевар бўлиб тарбияланишларида устоз шогирд анъаналарига риоя этмоқ зарур. Чунки устоз кўрмаган хунаrmанднинг ишида унум бўлмайди. Хунарнинг сир асрорларини мукаммал билмайди, яратган махсулотининг сифати ёмон ёки харидоргир бўлмайди. Оилада фарзанднинг у ёки бу хунарни эгаллашида биринчи устоз ота-онадир. Ота-онадан ўзи севган хунар хақида дастлабки маълумотни олган фарзанд, албатта, шу хунарнинг мохир устасидан таълимни олмоғи зарур. Халқимиз айтганидек: «Устоз кўрмаган шогирд минг мақомга йўрғалар».

Устозни шогирдга нисбатан қаттиққўллиги, талабчанлики, рағбатлантириши ёки жазолаши унинг келажакда мохир хунар сохиби бўлиб шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Шогирдга нисбатан ўта меҳрибонлик, аяш, юз-хотирчилик уни ўртамиёна хунаrmанд қилиб қўяди. Шунинг учун устоз ўзида мавжуд билимни шогирди онгига сабр – тоқат билан сингдириши, ўзидан сўнг унинг хунарини давом эттирувчи хақиқий шогирд етиштиришга ҳаракат қилмоғи лозим.

Хунар эгаллаган меҳнатдан бўйин товламайдиган одам жамиятда кадр топади. Халқ ичида обрў эътибор мансаб пиллапояларига чиқиш ҳам ҳалол меҳнат, хунар сирларини мукаммал эгаллаш натижасидир. Шунинг учун ҳам халқимиз «Меҳнат қилган» элга азиз дейдилар.

Ўзбек халқи азал-азалдан касб-хунари, меҳнатсеварлики, ҳалол ва поклиги билан дунё микёсида танилиб келмоқда. Халқимизнинг заргарлик, наққошлик, дурадгорлик, ўймакорлик, кулолчилик, боғбонлик, чорвадорлик, чеварлик, каштадўзлик, тукувчилик, дўппидўзлик, ганчкорлик, сандиқсозлик, бешиқсозлик этикдўзлик ва бошқа юзлаб хунар махсулотлари ўзининг бетакрорлиги, гўзаллиги мафтункорлиги билан дунё халқларини лол қолдириб келмоқда.

Узлуксиз таълим тизимининг дастлабки таянч бўғинида болаларни қўл меҳнати машғулотларида каштачилик касбига бўлган қизиқишларини ўстириш масалалари илмий-методик жиҳатдан кенг қамровли таҳлил ва тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ҳам мактабгача ёшдаги болаларни машғулотлар жараёнида касб-хунарга қизиқтириш долзарб педагогик муаммо бўлиб, ҳанузгача ҳал этилмаган.

Халқимизнинг заргарлик, зардўзлик, дурадгорлик, ўймакорлик, кулолчилик, боғбончилик, чорвадорлик, чеварлик, маҳсидўзлик ва бошқа юзлаб касб-хунар

махсулотлари ва улардаги декоратив амалий безак санъати намуналари, улардаги безакларнинг бетакрорлиги, гўзаллиги, мафтункорлиги билан дунё халқларини лол қолдириб келмоқда.

Дунёга машҳур ҳунарманд усталар, моҳир ҳунар эгаларини етиштиришда ота – оналар, тарбиячи педагогларнинг аҳамияти каттадир. Уларнинг асосий бурчларидан бири болаларга ҳунар ўргатиш меҳнатга бўлган қизиқишларини уйғотишдан иборат.

Ўсиб келаётган авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш халқимизнинг туғма фазилатларидандир. Бунинг учун эса, аввало, уларда меҳнатга, ҳунарга қизиқиш уйғотилади. Маълумки ҳунар, уни эгаллаган мутахассис тўғрисида дастлабки тасаввур ва тушунча ҳосил қилганидаёқ, кичкинтой кўнглида илиқ ҳислар пайдо бўлади, ҳаёт учун керакли турли нарсаларни ясаётган кишиларни ҳурмат қилишга ўрганади.

Ҳозирги пайтда педагогика назарияси ва амалиёти олдида узлуксиз таълим тизимида миллий кадриятлар, шу жумладан, меҳнат анъаналарининг тарбиявий имкониятларидан самарали фойдаланиш муаммосини ижобий ҳал этиш вазифаси кўйилмоқда. Сўнгги йиллар ичида бу борада бир қатор самарали ва салмоқли ишлар амалга оширилиб, кўпгина тадқиқот ишлари олиб борилди. Масалан, А.Эркаев, М.Иномова, О.Мусурмонова, М.Очилов, Р.А. Мавлонова, М.Қуронов, Ж.Ҳасанбоев, Т.С.Усмонхўжаев, С.Очил, У.И.Маҳкамов, С.У.Нишонова, Р.М.Пашаев, К.А.Дунаев, Д.Ж.Доржиева, Н.Ш.Алметов, Д.Б.Бекимов ва бошқалар томонидан оолиб борилган тадқиқотларда ижтимоий тарбиянинг маълум йўналишларини ташкил этиш жараёнида миллий кадриятлар, шунингдек, меҳнат анъаналарининг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш муаммоси тадқиқ этилган бўлса, мактабгача ёшдаги болалар ўртасида меҳнат тарбиясини ташкил этиш, ушбу жараёнда халқ анъаналарининг имконияти ва таъсирчанлик кучидан фойдаланиш, болаларда меҳнат фаолиятини ташкил этиш кўникма ва малакаларини янада шакллантириш масаласи М.Расулова, О.Р.Жамолиддинова, Д.Абдурахмонов, М.М.Неъматов, Г.Х.Ибрагимовалар томонидан батафсил ўрганилган.

Бундан ташқари, Б.Қодиров, А.Раҳматуллаев, З.Миртурсунов, З.Баубекова, А.Тошбоев, М.Шербоев, Р.Ражабов, М.Бозорова, М.Муродов, А.Т.Тулегенов,

М.Алавия кабиларнинг ишларида ҳам миллий қадриятлар, хусусан, меҳнат анъаналари, уларнинг моҳияти, улар мазмунида илгари сурилган ғоялар, шахс тарбиясини ташкил этишда уларнинг ўзига хос аҳамиятлари ўрганилган.

Зеро, мактабгача таълим муассасаларида меҳнат тарбияси болаларни уюшқоқлик, меҳнат жараёнига шахсий ташаббус билан қўшилиш, меҳнат фаолиятида ўзини ўзи назорат этиш, ўзига ўзи баҳо бериш, бошлаган ишини охирига етказиш, меҳнатга масъулият билан ёндашиш каби сифатлар билан бирга, ўзгаларнинг меҳнат натижасига ҳурмат, уларнинг касбига қизиқишни тарбиялайди.

Тадқиқот муаммосининг иккинчи қирраси мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг меҳнат тарбиясини ташкил этиш, бу борадаги фаолият самарадорлигини таъминлаш муаммоси бўлиб, тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида ана шу йўналишда олиб борилган тадқиқот ишларининг мазмуни билан ҳам танишилди. Бизга маълумки, халқ анъаналари доирасида миллий байрамлар алоҳида ўрин тутди. Мазмунида меҳнат ғояларини ифода этган миллий байрамлар кишиларни бирдамлик, тинч-тотув яшаш, биргаликда меҳнат қилиш, атрофдагиларга меҳр-мурувват кўрсатиш ҳамда бир бирларини қўллаб-қувватлашга ундаб келган. Улар, шунингдек, табиат ва инсон ўртасида ижобий муносабатни қарор топтириш, инсоннинг табиат билан яқинлашувини таъминлашда педагогик таъсир кучига эга воситалар сифатида намоён бўладилар. Ана шу жиҳатига кўра мактабгача таълим муассасаларида меҳнат ғояларига эга миллий байрамларнинг нишонланишига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, миллий байрамларнинг ёш авлод тарбиясини ташкил этишдаги ўрни ва роли масалалари М.Туропова ва И.Жаббаровлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишининг асосий ғояси сифатида танлангандир. Мактабгача ёшдаги болаларнинг меҳнат тарбиясини ташкил этиш, мазкур жараёнда халқ оғзаки ижоди намуналари (эртақ, афсона, ривоят, достон, масал, мақол ва ҳикматли сўзлар), шуниндек, халқ ҳунармандчилиги ва унинг турларидан фойдаланиш масалалари Д.Абдурахмонова, О.Жамолиддинова ҳамда В.Г.Нечаевлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларининг бош ғояси саналади. Д.Абдурахмонова томонидан олиб борилган тадқиқотнинг асосий йўналиши сифатида бошланғич таълим ўқувчиларини халқ оғзаки ижоди ва уларда илгарй сурилган ғоялар асосида тарбиялаш масаласи белгиланган бўлиб, ушбу

тадқиқотда халқ оғзаки ижоди ҳамда халқ педагогикаси ғояларининг мазкур давр ёши ўқувчиларининг онгини ошириш, уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришдаги аҳамияти кўрсатиб берилади. О.Жамолитдинова томонидан олиб борилган тадқиқотда объект сифатида мактабгача катта ёшдаги болалар, предмет сифатида эса уларда меҳнатга ҳавас туйғусини тарбиялаш ва ушбу жараёнда халқ ҳунармандчилиги анъаналаридан фойдаланишга йўналтирилган фаолият мазмуни белгиланган бўлса-да, тадқиқотда халқ анъаналари мажмуида муҳим ўрин тутувчи халқ ҳунармандчилиги ва унинг моҳияти борасида болаларга назарий ва амалий билимлар бериш назарда тутилади. Бизга маълумки, халқ анъаналари кенг қамровли мазмун касб этиб, унинг бир неча йўналишларини ўз ичига олади. Хусусан, халқ оғзаки ижоди, халқ ўйинлари, урф-одатлар, байрамлар, шунингдек, халқ ҳунармандчилиги ва бошқалар шулар жумласидандир. О.Жамолитдинованинг тадқиқотида халқ анъаналарининг аниқ бир йўналиши ўрганилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мавжуд манбалар биз томонимиздан тадқиқ этилаётган муаммони ҳал этишга йўналтирилмаганлиги, шунингдек, мактабгача таълим муассаси фаолиятини такомиллаштиришга бўлган ижтимоий зарурият мактабгача ёшдаги болалар меҳнат тарбиясида меҳнат анъаналаридан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш лозимлигини тақозо этади.

Мактабгача ёшдаги болаларга меҳнат кўникмаларини шакллантириш борасида ота-оналарни, тарбиячилар саводхонлиги юқори эмаслиги, меҳнат кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик асосларини билмаслигини ҳисобга олиб тадқиқот олиб боришни мақсад қилиб, «Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш» мавзуни танладик.

Тадқиқотнинг мақсади: Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш мазмунини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- мавзуга оид илмий-педагогик манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- муаммонинг назария ва амалиётдаги аҳволини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

-каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришнинг самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш;

-тадқиқот натижалари асосида мактабгача таълим муассасалари ходимларига ва тарбияланувчилар учун каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети: каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш мазмуни.

Тадқиқотнинг илмий фарази шундан иборатки, каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш мумкин агарда:

-болаларнинг ёшига, имкониятларига, қизиқишларига мос таълим мазмуни, ижодий топшириқлар ишлаб чиқилса;

-кашта турлари, тикиш усулларида самарали фойдаланилса;

-таълим-тарбия жараёнида тарбиячи ва тарбияланувчи ижодкорлиги, ташаббускорлиги, мустақиллиги, фаоллиги таъминланса;

Тадқиқотнинг методологик асослари: Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», мактабгача таълим тўғрисидаги Низом, «Болажон» таянч дастури, шунингдек, боланинг шахс сифатида камолга етишида меҳнат фаолиятнинг ўрнини кўрсатувчи манбалар, баркамол инсонни тарбиялашдаги педагогик ва психологик ғоялар.

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган методлар:

-илмий тадқиқот мавзусига доир методик адабиётларни, ҳукуматимизнинг расмий ҳужжатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

-амалиётда болаларни каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришга оид ўқув ва методик қўлланмаларни илмий-педагогик жиҳатдан таҳлил этиш;

-мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва педагоглари, ота-оналар ҳамда болалар билан мавзу бўйича умумий, якка тартибда ёзма ва оғзаки суҳбатлар уюштириш, анкета сўровларини ўтказиш;

-махсус ишланмалар асосида бажарилган ишларни педагогик экспериментдан ўтказиш;

- тажриба-синов натижаларини математик-статистик қайд этиш.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, унда каштачилик хунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришга ва уларни таълимнинг кейинги тури - бошланғич синфларда муваффақиятли таълим олишга йўналтирилган, фаолият самарадорлигини янада оширишга хизмат қилувчи методик тавсиялар ишлаб чиқилди. Каштачилик хунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти: каштачилик хунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришга оид илмий манбалар таҳлил этилди ҳамда тегишли илмий хулосалар аниқлаштирилди.

Каштачилик хунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш мазмуни ишлаб чиқилди;

Мактабгача катта ёшдаги болаларни каштачилик хунари, кашта турлари билан таништирувчи қўл меҳнати машғулотларининг ишланмалари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:

Тадқиқот муаммосининг моҳияти ва унинг натижасида ишлаб чиқилган методик тавсия, мактабгача таълим муассасаси педагоглари жумладан, тарбиячи, тасвирий фаолият бўйича тўғарак раҳбарларига болаларда халқ амалий санъати тури бўлган каштачилик хунарига қизиқиш уйғотиш орқали меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш жараёнида қўл келади. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган методик тавсиялар мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга, қўл меҳнати машғулотларини ташкил этишга йўналтирилган фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг босқичлари: илмий тадқиқот иши уч босқичда амалга оширилди:

Биринчи босқичда илмий-тадқиқот мавзусига алоқадор ва яқин бўлган илмий, илмий-методик манбалар ўрганилди. Мактабгача катта ёш гуруҳларида қўл меҳнати машғулоти кузатилиб, таҳлил этилди. Шу аснода мактабгача таълим муассасалари тарбиячи ва тарбияланувчиларида каштачилик ҳунари бўйича мавжуд билимлар аниқланди, ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилди.

Иккинчи босқичда тадқиқот режаси, назарий асоси ва мазмуни аниқланди. Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришнинг яхлит педагогик тизими яратилди ва мезонлари аниқланди.

Учинчи босқичда ишлаб чиқилган педагогик тизим экспериментал шароитда тажриба-синовдан ўтказилди, олинган натижалар математик-статистик метод орқали таҳлил этилиб, умумлаштирилди. Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган методик тавсиялар яратилди.

Малакавий битирув ишимиз таркиби Кириш, III боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

**I Боб. Каштачилик хунари билан таништириш орқали болаларда
меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришнинг назарий асослари.**

**1.1. Ўзбек халқ амалий санъати турларидан каштачилик хунарининг
ривожланиши ва тарихи.**

Ўзбек халқининг миллий каштачилик санъати - ўзбек халқининг юксак бадиий дидга эга эканлигини кўрсатувчи омил ҳисобланиб, унда ўлкамизнинг гўзал табиати ўз аксини топган. Ўзбек халқининг каштачилигида каштанинг бадиий таъсирчанлиги унинг чокига қараб белгиланиб, кенг тарқалган босма, йўрма чокларида бўёқ мавжланиб кўзга ташланади. Ўзбек халқининг қадимий, анъанавий каштачилиги тўғрисида гап кетганда, олтин, кумуш, зар билан тикилган буюмлар мажмуасини ҳам унутмаслик керак. Зардўзлик буюмларида чокнинг бўртиб туриши буюмга алоҳида ҳусн бағишлаган. Зар кўпинча қора духобага тикилган. Каштачилик минг хил хусусиятга эга бўлиб, у турмушнинг барча жабҳаларини ўз ичига олган. Қизлар жуда ёшлигидан тикишга ўргатилган. Улар ўзлари тиккан кашта намуналарини сеп сифатида тўплаб борганлар. Каштачилик буюмларининг оз-кўплиги оиланинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлган. Одатга кўра, келинлар оқ матодан кашталаниб тикилган сўзаналар остида куёвнинг уйига кузатилган. Ё

келин-куёвларнинг уйи турли-туман каштачилик буюмлари билан безатилган кўрпа ёпқичларга, ёстик жилдлари, сочиқ ва бошқа баъзи уй-рўзғор буюмларига ҳам кашта тикилган. Асосан каталарда хотин-қизларнинг ички кечинмалари, фикр ва ўйлари, орзу-умидлари ифода этилган. Шу нарса диққатга сазоворки, каштачилик хотин-қизлар учун эркин бўлган бирдан-бир амалий санъат намунаси бўлган. Халқ кўшиқларидан биридаги мана бу сатрлар ҳам каштачилик хотин-қизларнинг асосий машғулотлардан бири бўлганлигини тасдиқлайди:

Кашта тикдим санама,
Ўтлар ёқдим танама.
Тикмай десам уришар,
Уйда турган анама.

Илма тикдим илиб-илиб,
Томошани ҳама қилиб.
Раҳмат дейди кўрган киши,
Ҳар гулимга ҳайрон қолиб.

Кийим-кечакларда ишлатилиб келинган каштачилик намуналаридан бири-жиякдир. Жияк кийимни безаш билан бирга уни четларини маҳкам улаб ҳам туради. Жияк қайси кийим учун қилинишига қараб, турли ранг, нусха ва қалинликларда бўлган. Эркакларнинг кийим-кечакларида хотин-қизларникига қараганда анча содда ва оддий каштачилик безаклари битилган. Каштачиликда белбоғ ва қийиқлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбек миллий каштадўзлик халқ хунармандчилик санъатининг энг қадимий турларидан бўлиб, у халқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Кашта кийимлар ва буюмларни безашда ҳамда рўзғор безак буюмлари тайёрлашда қадимдан қўлланилади.

Каштачилигимиз санъати нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам шуҳрат

қозонган. Ўзбек чевар усталари қўллари билан тикилган кирпеч, сўзана, зардевор, гулкўрпа, чойшаб кабилар Франция, Италия, Япония, Германия, Белгия, Америка, Ҳиндион каби хорижий, шунингдек Республикамизнинг Фарғона водийсида фақат хонадонларда эмас, балки амалий санъат музейларида кўп намуналари тўпланиб, доимий экспозицияга айланиб қолган.

Ҳозиргача буюмлар ўзига хос гўзаллик, нафис безакларнинг ранг-баранглиги билан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда.

Миллий каштачилик (каштадўзлик) амалий санъатнинг энг қадимий турларидан бўлиб, у халқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Каштачилик санъати нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам шуҳрат қозонган. Ўзбек халқ усталари қўллари билан тикилган кирпеч, сўзана, зардевор, гулкўрпа, чойшаб кабилар Германия Федератив Республикаси, Белгия, Америка Қўшма Штатлари, Ҳиндистон, Афғонистон каби хорижий, шунингдек, мамлакатимизнинг Фарғона водийсида фақат хонадонларда эмас, балки музейларда доимий экспозицияга айланиб қолган. Ҳозиргача буюмлар ўзига хос гўзаллик, нафис безакларнинг ранг-баранглиги билан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. Бадиий каштачилик узоқ тарихга эга, буни археологик топилмалар ва ёзма манбалар исботлаб бермоқда. Ўзбек каштачилиги иқлим, табиий шароит, муҳит билан боғлиқ ҳолда барча касб-ҳунарлари билан биргаликда ривож топган. Каштачилик санъатининг энг қадимийси сақланмаган. XIV- XV асрларга мансуб миниатюралар орқали каштачиликнинг жуда қадимдан ривожланган-лигини кўриш мумкин. Испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо Амир Темур саройида ўзбек миллий кашта безакларини кўрганини кундалигида ёзиб қолдирган. 1467 йили Камолиддин Беғзод "Зафарнома"га ишлаган "Темур тахтда" миниатюрасида чодирга ишланган каштани ҳам акс эттирган. XIX асрнинг иккинчи ярмида кашта тикиш машинасининг ихтиро этилиши каштачилик корхоналарининг вужудга келишига асос солди. Машинада кашталарнинг кўп ишлаб чиқарилиши уларнинг баъдийлигига путур етказди. ҳўл кашталари унутила бошланди. Лекин айрим хилларигина сақланиб қолди. Ўзбек каштачилиги кўшни халқлар каштачилиги таъсирида бойиди ва ривожланди. Ўзбек кашталарига назар солсак, унда Ҳинд, Хитой, Рус, Афғон, Қозок, Қирғиз ва Тожиқ каштачиликларининг усул ва услубларини учратамиз.

Каштачилик санъатида ҳар бир миллатнинг ўзига хос энг кўп қўллайдиган нақшлари бўлади. Чунончи ўзбек кашталарида ўсимликсимон, геометрик ҳамда гул нақшлари кўп бўлса, рус каштачилигида геометрик, ўсимликсимон шакллар, гуллар, қуш ва мевалар кўп тасвирланади.

Қозоқ ва қирғиз каштачилигида эса кўпроқ ҳайвонлар, шох ва туёқларни эслатувчи элементлар тасвирланади.

Қадимий анъаналарга кўра, ўзбек қизлари бўлажак келинчаклар сеплари ҳар хил каштачилик буюмларини ўзлари тайёрлашлари лозим эди. Кашталар қанчалик нозик, чиройли бўлса, шунчалик қимматга баҳоланар эди. Қизларга 7-9 ёшдан бошлаб кашта тикишга ўргатиларди. Улар уч, тўрт йилдан кейин мустақил кашта тика бошлайдилар. Етишиб чиққан каштачилар ўзининг санъати ва табиатига кўра гўзаллик ҳақидаги орзуларини ифодалашга ҳаракат қилганлар.

Фарғона каштачилиги. Археологик топилмалардаги (Афросиёб, Болаликтепа) кашталарнинг санъат даражасидаги гўзаллиги, юксак дид билан тикилганлиги халқ ижодининг жуда қадимдан давом этиб келаётганини англатади. XX асрнинг биринчи ярмида даврнинг таъсирида машинада тикиш — попоп русум бўла бошлади. Машинада кашталарнинг кўп ишлаб чиқарилиши уларнинг бадиийлигига путур етказди. Лекин қўл каштачилигига талаб катта бўлган. Ўша даврда каштачиликда янги тасвирлар ҳам пайдо бўлган. Аксарият кашталарда гуллар хилма-хил кўринишда тасвирланган. Бодом, қалампир нақшларининг 100 дан зиёд кўринишлари, анор нақшининг ўзи бир неча хил кўринишда — шохчали анор, силлиқ, ёриқ, гажакли кичик нақшлар билан уйғунлашган ҳолда тикилган. Марказий Осиёда, айниқса, ўзбек, туркман, тожик аёллари ўртасида каштачилик кенг тарқалган. Кийимлар оилада тайёрланган, бадиий буюмларнинг асосий қисмлари ҳар бир хонадоннинг ўзида тайёрланган. Каштачиликда ишлатадиган асосий иш қуроллари: игна, илмоқли игна, илмоқли бигиз, ангишвона, чамбарак. Кенг тарқалган чок турлари: босма, кандахаёл, чиндахаёл, хомдўзи, йўрма, ироқи, попур, илмоқ, бахя. Қадимий анъаналарга кўра, ўзбек қизлари — бўлажак келинчаклар ўз сепларини тайёрлашда ҳар хил каштачилик буюмларини ўзлари тайёрлашлари лозим эди. Кашталар қанчалик нозик, чиройли бўлса, шунчалик юқори баҳоланади. Қизлар етти-тўққиз ёшдан бошлаб кашта тикишга ўргатилган. Улар уч-тўрт йилдан

кейин мустақил кашта тика бошлайдилар. Етишиб чиққан каштачилар ўзининг санъати ва табиатига кўра, гўзаллик ҳақидаги орзуларини ифодалашга ҳаракат қилганлар. Бугун биз Фарғона каштаси ҳақида сўз юритмоқчимиз. Фарғона кашталарининг асосий таркиби XIX асрнинг охири XX аср бошларида яратилган буюмларни ўз ичига олади. Фарғонага хос мато ранги: тўқ яшил, тўқ қизил, сиёҳранг ва қора ранглاردир. Худди бошқа жойлардагидек Фарғонада тикилган каштали буюмлар рангларининг ёрқинлиги, бир-бирига уйғунлиги ва табиийлиги билан ажралиб туради. Кашталарда тикилган баъзи нақшлар ўз маъносига ҳам эга бўлган. Масалан, анор — барака рамзи, қалампир — кўздан, ҳар хил ёмонликлардан асровчи, бодом — ризқ-рўз, очилган гуллар — муҳаббат, шохчали гуллар мажмуаси — фаровон ҳаётни, баъзида кўзача, қушлар, дарахтлар тасвирланган кашталар турмуш тарзини англатган. Ўсимликлар тасвири кўпинча ёрқин рангдаги қушчалар тасвири билан жонлантирилган. Қўй шохлари мотиви қўшалок спирал қатордан иборат бўлиб, жияк ёки ҳошияловчи безак сифатида қатор барглар шаклида учрайди. Бу қадимий мотив кўпгина туркий халқларда тарқалган бўлиб, у бутун борлиқ, доимий ҳаракат тимсоли ҳисобланган. Баъзида бу мотив бир вақтнинг ўзида бир неча тимсолларни, масалан, қўйнинг буралган шохлари ва бир-биридан тармоқланган жуфт ўсимлик жингалаларини эслатади. Фарғона водийси, хусусан, Чуст, Андижон, Марғилон шаҳарларида тайёрланган дўппилар келиб чиқишига кўра дастлабки дўппилар ҳисобланади. Тепа қисми чорси бўлган бу дўппилар тахланганда учбурчак шаклга келади. Бу дўппиларга улар яратилган шаҳарларнинг номлари қўшиб айтилган: «тус» (Чуст) дўппи, "қўқон" (Қўқон) нусха, «андижон (Андижон) нусха». Маҳаллий дўппиларининг 5 та асосий гуруҳи фарқланади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм. Ҳар бир тилнинг айрим турларида жуда аниқ маҳаллий фарқлар сезилиб туришига қарамай, ҳар бир гуруҳ асосида услуб хусусиятлари, нақшнинг умумий мотивлари ётади. XIX аср охири — XX аср бошларида Фарғона водийсида дўппининг бир нечта турлари мавжуд бўлган. 1940-50 йиллардан ироқи дўппилар турли рангдаги ипак билан тикилган бўлиб, уларга гуллар, қушлар ва ҳайвонлар тасвири туширилган. Эркаклар бундай дўппиларни байрам ва тўйларга кийганлар, шунинг учун ҳам уларни «куёв дўппи», «наврўз гули» деб ҳам аташган. Фарғона водийсида чуст дўппилари қора тусдаги

матоси узра оқ ип билан қалампир ёки бодом шакли тикилиб, кизаги қатор меҳробсимон нақшлар билан безатилган. Дўппилар ва уларнинг нақшлари ҳақида турли афсоналар ва ривоятлар жуда кўп учрайди. Масалан, дўппининг тўрт томонидаги нақшлари, эркак кишини соғлиғини тўрт томондан ҳимоя қилиб келади, унинг атрофидаги 16 та гуллар оилада тинчлик-фаровонлик, катта серфарзанд оилали бўлишини ифодалайди. Қора заминда оқ иплар билан безак тикиш эса эркак киши қалбининг поклиги ҳамда соғлиғини ифодалайди. Жуда кўп учрайдиган нақш бу — қушлар. Қадимдан қушлар бахт ва омад тимсоли ҳисобланиб келинган. Халқимизда «бошига бахт қуши қўнган», деб бежиз айтилмайди. Ҳаёт ва ҳосилдорлик рамзи сифатида дўппиларда «бодом» нақш тури тасвирланган. Унинг чўзинчоқ ва ингичкароғи "қалампир" нусха деб аталади. Қадимдан буларга тумор сифатида қаралиб келинган. Улардан тумор қилиниб ҳомиладор аёл ва болаларга тақиб қўйилган, гўёки ушбу тумор ёвуз ва ёмон кучлардан асраб қолади. Бугунги кунда каштачиликни бутунлай янги мавзулари бошланди, яъни нақшлар ўз ҳолича сақланса-да, ранглар аҳолининг дидига кўра ўзгариб, қадимий нақшлар билан замонавий буюмлар тикила бошланди. Фарғона каштаси ҳар қанча ўзига хос, ҳайратомуз бўлмасин, Ўзбекистон миллий маданиятининг ҳали тўлалигича ўрганилмаган соҳаси ҳисобланади.

Шахрисабз ироқи каштачилиги. Ўзбек миллатининг бой тарихининг бир бўлагига айланиб улгурган ва шу кунгача яшаб келаётган хунармандчиликнинг гўзал кўринишларидан бири бу каштачиликдир. Унга хос бўлган нақшлари, буюмларнинг турлари ва ҳар бир каштачилик марказининг ўзига хос бадиий хусусиятлари илмий адабиётда кам ўрганилган бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида каштачиликнинг мавжуд бўлган тикиш усулларининг келиб чиқиши ва уларнинг бадиий моҳияти етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Ўзбек каштачилигидаги асосий босма, бигиз, йўрма, кандахаёл усулларининг ичида ироқи услуби алоҳида ўрин тутди. Ироқи каштаси Ўрта Осиё бўйлаб кенг ва эркин тарзда тарқалган.

Ироқи каштачилигини Шахрисабздан ташқари Афғонистоннинг йирик қишлоқларида, Андижон ва Ургутда учратиш мумкин. Лекин ҳар қаерда бу усул

бошқача тарзда тикилган, яъни хар жойнинг ўз севган ранги, нақши ва тикиш услуби билан фарқланган.

Ироки безак кашталар ўз-ўзидан савдо-сотик ва хунаrmандчилик яхши ривожланган шаҳарларда, Ўрта Осиё маданиятининг қадимги марказлари бўлган йирик қишлоқларда яратилган. Ижтимоий келиб чиқиши ва яшаш тарзига кўра каштачилар бир-бирларидан нақшлар кўчириб, озгина қўшимча қилган холда нақшга янгилик киритиб тикишган.

XIX аср кашталарининг гўзаллиги, юксак дид билан тикилганлигининг ўзи бу халқ ижодининг жуда қадимдан давом этиб келаётганини англатади. Баъзи сақланган ироки кашталарининг неча йиллик эканлигини аниқлаш учун маълумотлар етарли эмас. Аксарият музейларда сақланаётган ироки кашталар ва буюмлар кўпроқ XIX - XX асрларга мансуб.

Ироки кашталарининг ноёб турлари Тошкентдаги Ўзбекистон Давлат санъат музейида, Самарканддаги Ўзбекистон халқларининг тарихи ва маданият музейида, Бухоронинг тарихий ўлкашунослик музейларида ҳамда хориждаги Санкт-Петербургдаги этнография музейида ва Эрмитажда, Москванинг Шарк маданияти музейида, Берлин шаҳридаги этнографик музейида, Германия ва Швейцариядаги шахсий коллекцияларда сақланади.

Халқимизнинг кўлида ҳам XIX аср охири ва XX аср бошларида тикилган ноёб ироки кашталар ёки буюмларни учратиш мумкин.

Амир Темур даврида Самаркандда бўлган испан элчиси де Клавихо ўз китобида буларни тўла баён этган: “Богда гулдор гиламлар ва хар хил рангдаги шохи газламалардан тикилган чодирлар ташланган капалар ва шийпонлар қурилган. Шийпоннинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам жимжима гуллар тикилган ранг-баранг мато (яъни кашта), хонтахта ёнида гул ва эман дарахтининг барги ва бошка хил тасвирли нақшлар тикилган шохи тўшак тўшалган”.

Луи Гонсалес де Клавихо Шахрисабздаги Оксаройнинг ички хоналарининг деворлари кашталар билан жуда чиройли безатилгани хақида ҳам ёзган.

Темурийлар даври ва ундан кейинги даврларда саркардаларнинг байрамона либослари ироки усулда тикилган.

Бундан ташкари, Боссертнинг Берлин халкшунослик музейида сақланувчи турли халкларнинг нақшларига бағишланган альбомида Шахрисабз, Бухоро, Нурота, Тошкент кашталари ҳам сақланган.

Лекин ироқи кашталарнинг баъзилари сақланаётган музейларда уларнинг манзили тахминан, кўпинча Бухоро деб кўрсатилган. Бунга сабаб Бухоро шаҳри каштачилик йўналишидаги савдонинг энг катта марказига айланганидир. Ироқи усулда тикилган буюмларнинг кўпчилиги Бухоро орқали европалик сайёҳларга сотилган.

Берлиндаги этнография музейида эркак ва аёллар учун чўнтак ўрнида махсус тикилган ҳар хил шаклдаги ҳамёнлар билан биргаликда XIX асрда жуда кам учрайдиган (балки ўша даврда ягонадир) кичик, лекин жуда кизик ироқи усулда тикилган картина сақланади. Бунда 25x15 ўлчамда бой кишилар яшайдиган уй, унинг балконлари, чиройли пештоклари аниқ ранглар билан мохирона тикилган. Бу картина кишида бир қарашда кизикиш уйғотади. Йоханнес Кальтер ва Маргарита Павалойнинг “Наследники Шёлкового пути” (“Ипак йўли ворислари”) деган китобида (Штутгарт, 1995 йил) XIX асрда Шахрисабзда тикилган бир қанча ироқи буюмлар, дўппиларининг бир неча кўриниши, отнинг бош томони учун махсус тикилган кашта, камарлар, пойафзаллар чиройли тарзда келтирилган.

Рикмерс коллекциясида сақланган XIX аср охирида аёллар учун ироқи усулда тикилган култапишакнинг ҳозиргача давом этиб келаётгани кишини хайратга солади.

Ўзбекистон жанубида жойлашган Кашкадарё иклими иссиқлиги туфайли ажралиб туради. Демак, аҳолисининг миллий кийимлари табиат шароитларига мос келиши лозим бўлган. Кишиларнинг дидлари юқорилигини улар тиккан кашталарда танлаган рангларнинг ёркинлигидан, хушбичим бичилганидан, қулайлигидан ҳам билса бўлади. Айниқса, каштачиликда қоидалар жуда хилма-хил. Яъни рангларни уйғунлаштиришда бир рангни қайси ранг билан келишини чеварлар бир қарашдаёқ ўрганиб олишган.

XIX асрда Шахрисабз кичик шаҳар бўлса-да, Бухоро амирлигининг савдо-сотик ва ҳунармандчилик юқори даражада ривожланган марказига айланган эди. Шахрисабзлик ҳунармандлар амир ва беклар учун ироқи усулда камар, тўн, махси ва турли кўринишдаги – учбурчакли айлана дўппилар, отлар учун от жули ва безакли

кашталар тикишган. Бу эса аллакачон Шахрисабз каштачилик санъати анъанага айланганидан далолат эди.

XX аср бошларида ироки каштачилигининг энг ноёб кўринишларини ахоли кўлида кўп учратиш мумкин эди. Аксарият буюмлар ҳам ироки усулда тикилган кашталардан иборат эди. Бунга сабаб ироки кашталари тикилиши жихатидан бошқа кашта турларидан кўра чидамли бўлган.

Лекин XX асрнинг биринчи ярмида миллийликнинг бу кўринишлари маълум вақт даврнинг таъсири остида колган. Аёллар уйда ўтирган холда кам ижод қилишган. Тинчлик йиллари бошлангандан кейингина каштачилик янгича кўринишда давом этган. Аҳолининг қизиқиши ва халқ эҳтиёжига кўра кўлда тикилган кашталар машина чоклари (попоп) пайдо бўлишига туртки бўлган.

Бирок санъатга қизиқувчилар албатта кўл ишига кўпроқ ошиқ бўлишган. Кашкадарёда ироки каштасининг тури кўп тарқалган. Одамларнинг тўй ва маросимларда, масалан, эркаклар ироки дўппи кийиши ва аёлларнинг катта кўйлаклари олдида жияк шаклида ироки широзлар тикилиши шарт бўлган. Болаларга ҳам ироки дўппилар, камзулчалар албатта кийдирилган.

XIX аср охири XX асрда ироки ва бошқа кўринишдаги дўппилар жуда кўп тикилиб, кийилган. Айниқса, тоғли қишлоқларда ироки каштачилигининг энг гўзал намуналари яратилган. Келиннинг сепида куёв учун албатта ироки дўппи бўлиши шарт ҳисобланган. Ҳаётдаги бу қадриятлар ҳам каштачиликнинг бу кўринишларини асралиб, авлоддан-авлодга ўтиб тарқалишига сабаб бўлган.

XX асрнинг бошларида каштачиликда янги тасвирлар пайдо бўла бошлади. Бу ҳам секин-аста аҳолининг ўсиб бораётган қисмининг дидига мослашиб давом этган.

Кашкадарёнинг қадимий шаҳарларидан бўлган Шахрисабздан ташқари ироки каштаси Китоб туманидаги тоғли қишлоқларда ҳам яхши ривожланган. Аксарият кашталарда гуллар хилма-хил кўринишда тасвирланган. Анор, бодом, калампир нақшларининг 100 дан ортиқ кўринишлари пайдо бўлган. Ирокидаги қадимий офтобпараст, тўпчини, шопкилич деб аталувчи нақшлар ўзгармаган холда тарқалган.

Ипаклар қатига сингган афсона. Нуротанинг қадимий «босма чок»ли кашталари доврўғи дунёга кетган. Шаҳарнинг «Эшонгузар» маҳалласидаги ҳунармандчилик анъаналари билан танишар эканмиз, бу замин аёлларининг азалдан каштачилик

билан шуғуллангани, бу ҳунар авлоддан-авлодга ўтиб келаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Айниқса, «Ташаббус — 2011» танловининг республика босқичи совриндори, ҳунарманд Рухсора Тўрақулованинг каштачилик маҳоратида асрлар қатига сингган азалий услублар ифода топгандек гўё. Рухсора опа кўп йиллардан бери ушбу момомерос ҳунар сирларини ёшларга ўргатиб, устоз мақомига эришганлардан. Қўлигул каштачи аёл ва унинг шогирдлари тиккан сўзана, ёстиқпўш, жойпўш, мўъжазгина чойнакпўшлар, аёллар сумкалари, дўппи, ҳатто кўйлак ёқаларига кўрк бериб турган босма чокларнинг гўзаллиги, ипакнинг ёрқин жилолари ҳайратингизни оширади. Нурота кашталари белгиларини ўзида акс эттирган қирқдан зиёд бетакрор намуналар қаҳрамонимизнинг тинимсиз меҳнат ва изланишлари самараси. Кашталарнинг ҳар бир қатида қуёшли ўлкамизга хос оташин ҳарорат акс этган. Шу боис Рухсора опа учун бу ҳунар қадрли, қиммати тенгсиз.

Дастлаб онасидан нина ушлаб кашта тикишни ўрганган машғулоти эндиликда Рухсора опа ҳаётининг мазмунига айланган. Йиллар ўтиб ранг-баранг ипак жилолар аро нозик шаклларнинг нафосати уни бутунлай мафтун этди. Қадимдан қиз бола туғилса, оналар яхши ниятлар билан сўзана тикишни бошлар экан. Қиз бола балоғатга етгунча анча-мунча уй анжомлари тайёр бўлган. Ана шу анъана қизалоқлар тарбиясида ҳам алоҳида аҳамият касб этгани эса, жуда муҳимлигини таъкидлаш ўринлидир. Тўрт тахтали, беш тахтали сўзаналарни тикишга киришаётиб, яхши ниятлар билан қўлига нина олишнинг хосиятини эндиликда Рухсора опа шогирдларига ҳам ўқтиради. Ҳам ҳунар, ҳам тарбия ўргатиш улкан масъулият эканини ҳунарманд опа яхши билади.

— Баъзида орамизда иш ахтариб хорижга отланаётганларни кўриб энсам қотади, — дейди Рухсора опа. — Шундай инсонларни, айниқса, хотин-қизларни учратиб ёки эшитиб қолсам, дарров ёнимга оламан, ҳунаримни ўргатаман. Ҳадемай турмушга чиқадиган қиз ҳунар ўрганса, бунинг нимаси ёмон? Бугун ҳунари ортидан ҳурмат-эътибор топиб, эъзозланаётган қизларимиз билан фахрлансак арзийди. Гўзаллик, нафосат белгилари акс этган хонадонларда ободлик, эзгуликка ошно кўнгилларда шукроналик ҳукмронлигига не етсин.

Каштачилар одатига кўра, ишни тугатишга, бир-икки чок қолганда, иккинчи ишни

қўлга олишар экан. Яъни ҳаёт давом этади, яна янги-янги намуналар ғояси пайдо бўлаверади. Эндиликда Рухсора опанинг сўзаналари ҳам қадимий, ҳам янги андозалар асосида тикилмоқда. Каштачи ҳар бир шаклга мос тарзда ипакларни бўйяйди. Анор, қалампир, бодом ранглари, қушлар, жониворлар тасвирлари рангин шакллари ўз мазмунига эгаллиги билан кишини қизиқтириши табиий.

— 2008 йили «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ташаббуси билан Шотландиянинг Глазго музейида 14 кун Нурота босма чокларидан дарс бердим, — дейди суҳбат давомида Рухсора опа. — Машғулотларимизда саксон ёшгача бўлган аёллар қатнашдилар. Музейда ўзбек сўзаналарининг XVII асрга тегишли намуналарини кўрдим. Европанинг энг тараққий этган гўшаларида ҳам момоларимиз тиккан ишлар қанчалик асраб-авайланаётганига гувоҳ бўлдим. Мустақиллик шарофати туфайли эндиликда миллий меросимиз янада бўй чўзаётганини, умрига умр қўшилаётганини ҳар дақиқада ҳис қилиб турибмиз. Ҳунар шундай воситаки, бир томондан вақтингиз мазмунли ўтиб, қалбингиз завққа тўлса, иккинчи томондан, оилангиз фаровонлиги ошади.

Рухсора опа билан суҳбатлашарканмиз, унинг ёнидаги ёшгина қизнинг иши ҳайратимизни оширди. Бу опанинг энг кичик қизи Махфиратхон экан. Нафис ипакда тикилаётган шаклларни кўриб, чеварнинг маҳоратига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. «Супер тикиш», деб номланувчи усулда тикилган бу каштани кўрганлар замонавий тикув дастгоҳининг иши, деб ўйлашибди. Аслида эса, бу қўл иши нафислиги ва нақшларнинг нозиклиги билан жуда эътиборни тортади. Бугун Нурота шаҳридаги «Эшонгузар» маҳалласида Рухсора опа каби тажрибали ҳунароманд аёллар талайгина. Бизнинг қаҳрамонимиз эса, ана шу қўлигул аёлларнинг устози. Қисқа муддатда қирқ нафардан зиёд шогирд ундан каштачилик сирларини ўрганиб, эндиликда мустақил фаолият юритишмоқда. Айни пайтда эса, Рухсора опа яна йигирма нафар қизга ҳунар сирларини ўргатмоқда. Бу эса кўҳна ҳунарни янгича ҳаётий маъно касб этаётганидан, «устоз-шогирд» анъанаси бардавомлигидан нишона.

1.2. Каштачиликда безак буюмлари турлари

Ўрта Осиёда каштачилик жуда кенг тарқалган бўлиб, оилада ҳар бир аёл кашта тикишни билиши керак бўлган. Шунинг учун ҳар бир оила ўзи учун кирпеч, сўзана, дорпеч, ойнахалта, чойхалта ва бошқаларни ўзи тайёрлаган. Безак буюмларининг тури жуда кўп масалан, сўзана, кирпеч, чойшаб ойнахалта, чой халта, зардевор, палак, гул-кўрпаг дорпеч, буғжом, парда, белбоғ, такяпўш (ёстик устига ёпиладиган), дўппи, кўйлак, дастрўмол, ҳамён, жойнамоз, сумка, нимча, махсикавуш, халтача ва бошқалар бадиий дид билан безатилган. Ўтмишда бу кашталар оқ ва малла матоларга тикилган. Кейинчалик сатин, шойи бахмалга тикиладиган бўлди. Каштачиликнинг муҳим турларидан бири зардўзликдир.

Зардўзлик - зар ип билан кашта тикиш касби бўлиб, Ўзбекистонда, айниқса Бухорода кенг тарқалган. Зардўзи усулида тайёрланган кашталарда олтин, кумуш рангдаги ипак ҳамда сунъий ипак ва толалардан фойдаланилади.

Каштачиликнинг махсус турларидан бири - аппликациядир.

Аппликация - лотинча ёпиштириш деган маънони билдириб, газлама, қоғоз ва бошқа материалларга ранг-баранг газлама, қоғоз бўлакларини ёпиштириш ёки тикиш йўли билан безаш демакдир. Аппликация каштадўзликнинг махсус тури бўлиб, у ўзига хос технологияга эга. Асосий матога рангдор мато парчасини, чарм ва бошқаларни қадаб, атрофи чокланади, аппликацияда кўпинча изма чоклардан фойдаланилади. Каштанинг бу тури Ўзбекистонда яхши ривожланмаган. Ҳозирги вақтда кўпинча болалар пальтоларига, кўйлакларига, бош кийимларига ҳар хил ҳуш, мева, гул ва ҳайвонлар тасвири аппликация усулида чокланади. Айрим ҳолларда аёлларнинг кийимлари шу усулда безатиляпти.

Архитектурада ва бирор буюмларни безашда аппликация усулидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Дўппи – Ўзбекистонда кенг тарқалган енгил бош кийим. Дўппи кийиш дастлаб Эронда ва туркий халқлар ўртасида, Россияда эса XIII асрда расм бўлган. Асрлар давомида дўппининг турли хиллари вужудга келган. Бахмалга, сатинга, сидирға шойига ип, ипак ва зар билан дўппи гуллари тикилган. Ўзбекистонда, Тошкент, Чуст, Бухоро, Самарқанд, Бойсун, Шаҳрисабз дўппилари машҳур бўлиб, улар ўзига хосдир. Жумҳуриятимизнинг барча районларида дўппи тикилади. Унинг Ироқи, Чуст дўппи, Гилам дўппи, Чакма тўр, қизил гул, Пилтадўзи, Зардўппи, Тўлдирма

деб номладиган миллий дўппилар бор. Ҳар бир дўппи яратилиш услубига эга бўлиб, улар бир-биридан фарққилади. Ўзбекистонда оммавий бош кийими асосан уч хил шаклга эга бўлади. "Қулоқ", "арағчин", "тусдўппи".

Қулоқ - конуссимон бош кийим. У асосан дарвешлар қалпоғи. Унинг матоғи тоқ учбурчак парчаларидан бичилиб ёнламасига тикилади. Қулоқ (эркаклар бош кийими) ҳозир жуда кам учрайди.

Арағчин - шарсимон дўппи, уни асосан кексалар кияди. Тошкентда шарсимон дўппилар канда хаёл, босма, чакматўр, ироқи чок усулларида тикилади.

Тус дўппи - Кенг тарқалган ясси юзали дўппи. Кўпинча тус дўппи чуст дўппи деб юритилади. Тус дўппиларнинг биргина классик вариантынинг ўзида саккизта ювелир чок услуби қўлланилади. Масалан, занжира, тўғри чок, чита, кунгура, еталатма, тароқ, ова, пилдиروق. Чуст дўпписининг тепасига кизакдан квадрат шаклида бўртиб чиқиб, ярим шар кўринишида бўлади. Тошкент дўпписи сидирға бахмалдан (гулсиз) тикилган бўлади. Бухоро дўппилари сидирға ёки гулли бахмалдан жиякли қилиб тикилади, жияги турли хил ипаклардан рангдор нақшли йўрма усулида тикилган бўлади.

Жойнамоз - ерга солиб устида намоз ўқийдиган тўшама. Ислон динига эътиқод қилувчилар ишлатишади. У ибодат вақтида кишини бу дунёдан ажратувчи омил деб тасаввур қилинади. Жойнамоз ҳар хил матодан тайёрланиб, унинг уч томони меҳроб шаклида тикилган бўлади. Ундан мачит, мадраса ва уйларда фойдаланилади. У турли ўлчамда бўлади. Ибодатни канда қилмаслик учун бошқа нарсалардан фойдаланиш мумкин. Масалан, чопон, қийиқча, шолча кабилардан, чунки улар диний нуқтаи назардан пок ҳисобланади.

Жойнамоз каштачиликда жуда чиройли қилиб безатилган бўлади.

Зардевор - уй жиҳози, у сидирға шойи бахмал, сатинга кашта тикиб безатилган бадий буюм. Зардевор ўзбек ҳамда тожикларда янги тушган келиннинг уйига, шифтига ёки деворига илиб қўйилади. У зар ип ёки ипак гажимли бўлиб, эни 40-70 см, узунлиги мўлжалланган уйнинг деворига мослаб тикилади.

Палак - деворларга илинадиган энг йирик, энг қиммат безак буюмларидан бири. Палакда осмон ва тўлин ой акс эттирилади. Уни қадимда оқ ёки малла бўзга кашта тикиб тайёрланган. У сўзанадан гуллариининг йириклиги, заминига ҳам кашта

қопланиши билан фарққилади. Палакни ўртасида йирик ой тасвири қизил қирмизи, пушти ипак билан кашталанади ва атрофига жуда чиройли қилиб ўсимликсимон нақшлар тикилади. Нақшлар ичида кўпинча бодом, қалампир элементлари қўлланилади. Палакда қирқтача ой ҳам тасвирлаш мумкин, шунинг учун ойини сонига қараб олти ойли палак, ўн икки ойли палак, ҳаттоки катта уйлар учун қирқ ойли палак тикилгани бизга маълум. Ойлар турли ранглار билан бир неча хил тасвирланган. Машҳур каштадўзлар баъзида ойни ажойиб нақшлар билан безаб, ўз маҳоратларини намоён этганлар. Агар ойни ичи сидирға рангда ифодаланган бўлса, уни , ойпалак, агар нақшли бўлса гулпалак ва ҳоказо номлар билан юритилади. Кейинги вақтларда палакни қўл меҳнати кўп бўлгани учун сўзана дейила бошлади. Лекин ҳозир палакни қўлда тикишга катта аҳамият берилмоқда.

Кирпеч – кирпўш, токчага тахлаб қўйилган кийим-кечак устидан ёки деворни вертикал бўш жойларига илиб, уйни безатиб туриши учун ишлатиладиган бадиий буюм. Кирпеч кашталари қўлда ёки машинада тикилади. Кирпеч қўлда илма кашта билан безалади. У кийим-кечакни чангдан сақлайди ва уйни безаб туради. Одатда, палакка ўхшатиб тикилгани кирлечпалак деб юритилади. Бу тури ҳам кенг ишлатилади.

Сўзана – форсча сўзани деб ҳам юритилади, игна билан тикилган деган маънони беради. Сўзана матога кашта тикиб тайёрланган бадиий буюм бўлиб, хонани безатиш учун деворга илиб қўйилади. У сатин, бахмал, шойи ва бошқа матоларга кашта тикиб тайёрланади. У ўзига хос бадиий кўринишга эга. Матонинг рангидан усталаримиз кашта замини сифатида фойдаланадилар. Шунинг учун палакдан фарққилади. Сўзана ҳар бир хонадонда бўлган, чунки бир қиз турмушга чиқишидан олдин ўзи учун сўзана тайёрлаган. Сўзана келинларнинг сепи ҳисобланган. Камбағал оилада сўзанани малла, оқ бўздан, бадавлатроқларида эса шойидан, бахмалдан тикишган. Сўзана учун композицион жойлашган ўсимликсимон нақшлардан фойдаланилади. Сўзана ўртасида кўпинча доирасимон гул тикилиб атрофи гулдор ислимий нақшлар билан безатилади. Сўзана тикиш жуда қадимдан ривожланган бўлиб XIX асргача бўлган сўзаналар сақланмаган. Фақат XIX асрга оид Самарқанд, Бухоро, Нурота, Фағрона, Ўратепа, Шаҳрисабз, Тошкент, Фарғона ва бошқа жойлардаги сўзана турларидан намуналар бор. Санъатнинг бу тури айниқса

Ўзбекистон ва Тожикистон территориясида қадимдан кенг тарқалган. Кейинги пайтларда 40 йиллардан бошлаб сўзана машинада тикилиб келмоқда.

Чойшаб - форсча-тожикча рўйжотун чодир деган маънони билдиради. Чойшаб асосан тахмонга тутиш, ётганда ёпиниш учун, тўшак устидан тўшалади. Тўшак устидан ёзиладиган чойшаб кам каштали оқ суруп, тахмонга тутиладиган сатин, шойи, бахмал ва бошқалардан тикилади. Ҳозирги вақтда чойшабдан сўзана каби бадиий буюм сифатида ҳам фойдаланиб келинмоқда.

1.3. Кашта тикиш технологияси

Кашта турли рангдаги ипак, мулина, зар ип билан игна, илмоқли бигизда ҳар хил матога машинада гул тикишдир. Кашта ҳар хил кийимларга, рўзгор буюмларига тикилади. Каштачиликда мато, кигиз, чарм, картон, зиғир, жун, ипак, сунъий иплар, зар иплар, майин сим, хом чармдан тайёрланган тасмалар, мунчок, маржон, металл пулакча, қимматбаҳо табиий ва сунъий тошлар, шишадан тайёрланган мунчоклар ва бошқа материаллар ишлатилади. Каштачиликда ўзига хос иш қуроллари мавжуд бўлиб, улар ўзига хос операцияни бажаради. Каштачиликда игналар, илмоқли ва илмоқсиз бигизлар, тўғнағич, ангишвона қайчи ҳамда чамбараклар ишлатилади, Чамбарак асосан ёғочдан ясалади, у доира, квадрат, тўғри тўртбурчак шаклида бўлади. Кичик кашталарга доира чамбарак ишлатилади, чунки у қулайдир. Ҳамма кашталарга ҳам чамбарак ишлатилавермайди. Ип ва игна кашта тикиладиган матолар қалинлигига мос қилиб танланади. Каштачиликда ёғоч дастали икки хил, яъни илмоқли ва илмоқсиз бигизлар ишлатилади. Айрим материалларга масалан, чарм ва картонга қийналмасдан тикиш учун илмоқсиз бигизлар ишлатилади. Нақшлар учун ўткир учли 10-12 см узунликдаги қайчилар ишлатилади. Тикиш қулай бўлиши учун қатим 50-60 см дан узун бўлмаслиги лозим, кашта чамбаракда тикилса ангишвона қўлланилмайди. Нақш нусхаси ҳар хил материалларга ҳар хил йўллар билан туширилади. Масалан, нусха кўчириладиган қоғозлар ахта, ёруғлик ёрдамида, нақш чизилган қоғозни материал устидан кўклаб чиқилади кейин бу қоғозлар йиртиб олинади. Каштага иплар рангини мослаб танлаш каштадўздан катта маҳорат ҳамда дид талаб қилади. Тўғри танланган ип каштанинг жозибадор чиқишига сабаб бўлади.

Қўлда кашта тикишнинг икки тури мавжуд: биринчиси матонинг арқоқҳамда ўрим ипларини санаб кашта тикиш, иккинчиси эса матога гул тасвири контурини чизиб, эркин кашта тикиш турлари. Арқоқ ўрим иплари кесиштириб тикилган полотно ёки бўз шаклида тўқилган матоларга тикилади. Бунинг сабаби кашта тикишда мато ипларини санаб тикишга қулайдир. Санама кашта тури Ўзбекистонда кенг тарқалган. Эркин кашта мато танламайди, туширилган тасвир чизиқлари асосида тикилади. Ўзбек каштачилигида йўрма, илма, ироқи, босма, хомдўзи, чамак, чипта хаёл, баҳя чоклар кенг тарқалган. Бадиий кашталарда турли жойдан турли чоклар ишлатилади. Чунончи Шаҳрисабзда йўрма, кандахаёл, Ироқи, Тошкентда кўпроқ босма чоки, Бухоро, Нурота, Самарқанд йўрма чоки билан тикилади.

Чамак чоки – каштатикиш чокларидан бири бўлиб, чапдан ўнгга икки параллел чизиқ бўйлаб тикилади ва ип ўтказилган игна ўнгдан санчилади. Сўнг юқорига чапга томон қия қилиб чиқарилади ва пастки чизиққа параллел равишда тўғри қадалади ҳамда пасти ҳам қия қилиб чиқарилади. Чамак чоки кўпинча нақшларни рамкага олишда ёки дўппи кизакларига бадиий безак беришда ишлатилади. Қайчини кичик ўткир учлиси ишлатилади. Чамак чоки рус каштадўзлари орасида "козлик" дейилади.

Баҳя чоки - кашта четларини мустақкамлашга хизмат қилиб, матога худди кўклагандек, лекин бир текис чок қамда масофа қисобга олиниб тикилади. Шундан сўнг мато ўгирилиб яна тикиб чиқилади, натижада текис ип чизиқҳосил қилинади. Бу чок жуда қадимдан қўлда, кейинчалик машинада тикиладиган бўлган. У икки қатор, яъни қаторлар ўзаро тутшиб чиқиши қам мумкин.

Куппа чоки турли йўналишда, яъни чапдан ўнгга, ўнгдан чапга, юқоридан пастга, пастдан юқорига сидирға тикиб ҳосил қилинади. Ёнма-ён тикиладиган чоклар бир текис ёки гул шаклига қараб кичикдан катталашиб, каттадан-кичиклашиб боради. Бу чок дурўя, (икки томонлама) санама, пилтадўзи номлар билан юритилади. Дўппидўзликда ва кашталарда жуда кенг фойдаланади.

Чинди хаёл - дурўя чоки, матога игна қадалиб бир меъёрда тикиб чиқилади, тескари ўгириб яна тикиб чиқилади. Шу тариқа матонинг олди ва орқа томонида бир хилда гул қосил қилинади. Бу чок билан икки томони ҳам кўзга ташланадиган буюмлар, яъни сочиқ, рўмол ва бошқаларни безашда ишлатилади.

Йўрма чоки йўрмаки, ilmoqli бичиқ ёки игна билан матонинг ўнг томонида халқалар занжири ҳосил қилиб тикилиб, бигизга ўтказилган ипак матонинг сиртида чап қўл билан ушлаб турилади. Санчилиб чиққан игна билан эса ҳалқа ҳосил қилинади. Йўрма чоклари билан йирик кашталарнинг ҳошиялари, гул ва барглари асосий шохга улайдиган банд ва бошқалар қадимдан шундай усулда тикилган. Йўрма чокдан Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё каштадўзлари кўп фойдаланадилар.

I боб бўйича хулоса

Ўзбек халқининг юксак бадиий дидга эга эканлигини кўрсатувчи омил ҳисобланиб келаётган миллий каштачилик санъатида ўлкамизнинг гўзал табиати ўз аксини топган.

Ўзбек миллий каштачилик санъати хунарларнинг энг қадимий турларидан бўлиб, у халқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Ўзбек оилаларида кашта кийимлар ва буюмларни безашда ҳамда рўзгор безак буюмлари тайёрлашда қадимдан қўлланиб келинган. Ўзбек каштачилиги қўшни халқлар каштачилиги таъсирида бойиди ва ривожланди унда Ҳинд, Хитой, Рус, Афғон, Қозоқ, Қирғиз ва Тожиқ каштачиликларининг усул ва услубларини учратиш мумкин.

Каштачилик санъатида ҳар бир миллатнинг ўзига хос энг кўп қўллайдиган нақшлари бўлгани каби ўзбек кашталарида гуллар, қуш ва мевалар кўп тасвирланади.

Ўрта Осиёда каштачилик жуда кенг тарқалган бўлиб, ҳар бир ўзбек оилаларида аёллар кашта тикишни яхши билган. Ҳар бир оилада аёллар кирпеч, сўзана, дорпеч, ойнахалта, чойхалта ва бошқаларни ўзлари тайёрлаган.

**II Боб. Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда
меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик шарт-
шароитлари.**

**2.1. «Болажон» дастури асосида каштачилик ҳунари билан таништириш
орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришнинг
ҳозирги ҳолати.**

"Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури", "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини бажариш мақсадида «Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари» асосида методик ишларини ҳамда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш ҳозирги кунда энг асосий масалалардан бири ҳисобланади. МТМларни бошқаришдаги ташкилий иқтисодий ўзгаришларни такомиллаштириш, мактабгача таълим самарадорлигини ошириш, болаларни мактабга ҳар томонлама руҳан тайёрлаш учун МТМларда педагогик-психологик хизматни такомиллаштириш, бошланғич касбга йўналтириш бўйича ишларни тизимга солиш, бошланғич касбга йўналтириш ишларни давом эттириш ғоят муҳим вазифалардир.

Мактабгача таълим муассасалари учун 2012-2013 ўқув йилида бажарилиши кўзда тутилган вазифаларда қуйидагилар таъкидланади:

1.Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган такомиллашган Давлат талаблари ҳамда "Болажон" таянч дастурини амалиётга тадбиқ этиш доирасида МБТМ ҳамда мактаб таълимининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашнинг янги иш шакллари қўллаш.

2."Таълим тўғрисида"ги Қонунни амалиётга тадбиқ этиш борасида МБТМ фаолиятининг сифат даражасини оширишга қаратилган стратегия ва тактикани

белгилаб олиб, МБТМнинг ривожланиш босқичига ўтишини таъминлаш("Бир қадам олдинга" МБТМ ни ривожлантириш дастури).

3.Замонавий усул ва технологияларни қўллаган ҳолда болаларнинг бадиий-эстетик дидларини шакллантириш орқали ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш;миллий санъат дунёси, фаолият маҳсули ҳамда мусиқа орқали ижодий қирраларини очишга замин яратиш.

4.Ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда чет тиллари асосларини сингдириш орқали ҳар бир боланинг билиш фаолиятига бўлган қизиқишини ошириш учун шароит яратиш.

5.Болаларда спорт турлари бўйича тизимли машғулотларни ўтишга эмоционал - ижобий қизиқиш ҳиссини тарбиялаш.

Мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш, муассасаларни замонавий билимлар билан қуролланган тарбиячилар билан тўлдириш ҳамда уларда касбий малака, фаолиятга нисбатан ижодий ёндошув ҳиссини қарор топтириш, узлуксиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимида каштачилик хунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш ва шунга доир масалалар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олимлар томонидан олиб борилмаган бўлсада, лекин мактабгача таълимга доир масалалар бўйича қатор муаммолар ўз ечимини топган. Мактабгача таълим муассасаларида каштачилик хунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришда таълим мазмуни (дастурлар) бош омил ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам Республикамиз мактабгача таълим муассасаларида амал қилган дастурларни ўрганиш ва таҳлил этиш, тадқиқ этилаётган муаммони педагогик назариядаги аҳволини тўғри таҳлил этишнинг кафолатидир. Айниқса, бу борада мустақиллик йилларида яратилган дастурлар муҳим манбаа сифатида аҳамиятлидир.Шу

эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда таълим мазмунини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

«Болажон» дастури Халқ таълими вазирлиги томонидан мактабгача таълим муассасаларига таъсис этилган бўлиб, ҳозирги кунда ягона дастур вазифасини ўтамоқда. Республикамиздаги барча мактабгача таълим муассасасалари ана шу дастур ва қўлланма асосида болаларга таълим-тарбия бериб, мактабдаги таълимга тайёрламоқдалар. Янги такомиллаштирилган «Болажон» дастурнинг мақсад, вазифаси бугунги Давлат ва жамият бошқарувининг эркинлашуви шароитида, фуқаролик жамиятининг бўлғуси шахсларини баркамол қилиб камолга етказишга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш, амалдаги “Учинчи мингйилликнинг боласи” таянч дастурининг самарали мазмун-моҳиятини сақлаб қолган ҳолда, мактабгача ёшдаги болаларни янги Давлат талаблари асосида тарбиялашга қаратилган. «Болажон» дастури мазмуни болаларда илк бора миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантириш, миллий урф-одатлар, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиромни кучайтириш мақсадини кўзда тутди.

«Болажон» дастури Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказган уч босқичлик тажриба-валидация синовларидан самарали ўтган.

Янги такомиллаштирилган «Болажон» таянч дастури мактабгача ёшдаги болаларга 4 йўналиш 3 босқичда таълим-тарбия бериш мақсадини кўзда тутган:

-  1. Жисмоний ривожлантириш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена;
-  2. Ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш;
-  3. Нутқ, ўқиш, саводга тайёргарлик;
-  4. Билиш жараёни, атроф-олам тўғрисидаги билимларга эга бўлиш ва уни англаш

1. Янги такомиллаштирилган дастур тузилиши жиҳатидан тарбиячига кундалик таълим-тарбия ишларини режалаштиришда бир қатор афзалликлар яратади (Матн лўнда, аниқ, алоҳида йўналишлар бўйича берилган);

2. Замонавий педагогик-психологик терминлардан фойдаланилган (М-н, “Экспрессив” сўзи - лотинча “ифодаланганлик” маъносини англатиб, ўз ҳис-

туйғуларини нутқ орқали ифодалаш малакаларига эга бўлиш, “Импрессив” – ўзгалар нутқини эшитиш ва эшитилган нутқни тушуниш малакаларига эга бўлишни билдиради.)

3. Барча вазифалар бола шахсини бевосита тарбиялашга қаратилган;
4. Миллий рух ва маънавиятга алоҳида урғу берилган;
5. Дастур таълимий ўйинлар мажмуи билан бойитилган;
6. Боланинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тасвирий фаолият ва мусиқа бўлимлари кенг ёритилган;
7. Дастурда умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфлари учун жорий этилган Давлат таълим стандартлари ўртасида узвийлик тамойилларига алоҳида аҳамият берилган.

«Болажон» дастурнинг вазифаси. Болаларни жисмоний, ақлий ҳамда ижтимоий-ҳиссий жиҳатдан камол топтириш ва уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш; болаларнинг эркин фикрлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан баркамол, шунингдек, келажакда мустақил ва онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. «Болажон» дастурда болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш даври шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлинади:

-  Гўдаклик (1 ёшгача)
-  - Илк ёш (1-2 ёш)
-  - Илк ёш (2-3 ёш)
-  - Кичик ёш (3-4 ёш)
-  - Ўрта ёш (4-5 ёш)
-  - Катта ёш (5-6 ёш)
-  - Мактабга тайёрлов даври (6-7 ёш)

«Болажон» дастурнинг тузилмаси

-  1. Болаларнинг ривожланиш хусусиятлари
-  2. Жисмоний ривожланиш
-  3. Машғулотлар жадвали (ҳафталик, ойлик, 1-ярим, 2-ярим йиллик ва

■ жами)

■ 4.Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш

■ 5.Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик

■ 6.Билиш жараёни: атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш

Дастур йўналишлари болаларни жисмоний ривожлантириш, болаларнинг нутқи ва тафаккурини ривожлантириш, ўз навбатида нутқ ўстириш, бадий адабиёт, математика каби фаолият турларидан таркиб топиб, болаларни маънан ривожлантиради, тасвирий фаолият, бадий қўл меҳнати, мусиқа каби фаолият турларини ўз ичига олади.

«Болажон» дастурида катта ёшдаги болаларда меҳнатсеварлик, мустақиллик, меҳнати натижасидан қониқиш сифатларини шакллантириш, хунармандчиликка қизиқтириш, халқ амалий санъати туруларидан каштачилик билан таништириш ҳамда кашта тикиш малакасини шакллантириш таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, болаларни “ўзбек халқининг миллий санъатига оид асарлар: сўзана, зардўзлик, миллий хунармандчилик намуналари билан таништириш” масаларини таъкидлаб ўтилган³. Дастурда болаларни “заргарлик зардўзлик, мисгарлик, ганчкорлик каби халқ хунармандчили билан таништириш⁴”, болаларни катталар меҳнати ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш, катталар меҳнатига ҳурмат хиссини тарбиялашни давом эттириш⁵ бўйича аниқ кўрсатмалар берилган.

2.2 Каштачилик хунари орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришнинг аҳамияти.

Мактабгача катта ёшдаги болаларни каштачилик касбига бўлган қизиқишларини ўстириш қўл меҳнати машғулотларида кашта тикишга ўргатиш катта аҳамиятга

³ Болажон таянч дастури. Т: «Sano standart» 2010 йил.98-бет.

⁴ Болажон таянч дастури. Т: «Sano standart» 2010 йил.134-бет.

⁵ Болажон таянч дастури. Т: «Sano standart» 2010 йил.134-бет.11- абзац.

эга. У мактабда муваффақиятли ўқиш учун зарур хусусиятлар — кўриб идрок этишни, хотирани, образли фикрлашни ривожлантиришга, қўл меҳнати кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Қўл меҳнати машғулотида кашта тикиш тасвирий фаолиятнинг бошқа турлари сингари, эстетик дидни шакллантиради, гўзалликни ҳис қилишга, унинг ранг-баранглигини тушунишга ўргатади.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Биз ўз истеъдодли, фидоий болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак "

Касб-ҳунар инсон учун зарур фаолият, касб-ҳунарнинг умри узоқ, у ўлмас мўъжиза, тугалмас бойлик - жавоҳирдир. Чунки у авлоддан авлодга ўтади. Касб-ҳунар туфайли барча орзу умидларга эришиш мумкин. Ўз касб-ҳунарини яхши билган кишининг иши унумли бўлади. Касб-ҳунарни эгаллаган, меҳнатдан бўйин эгмайдиган одам жамиятда кадр-қиймат топади. Халқ ичида обрў - эътибор топиш, мансаб пиллапояларидан кўтарилиш ҳам ҳалол меҳнат, ҳунар сирларини мукаммал эгаллаш натижасидир. Шунинг учун ҳам халқимиз "меҳнат қилган-элда азиз" деб бежизга айтмаган. Ўзбек халқи азал-азалдан касб-ҳунари, меҳнати, ҳалол ва поклиги билан дунёга танилиб келмоқда⁶.

Алишер Навоий айтади:

Хунарни асрабон нетгумдир, охир,

Олиб тупроққа му кетгумдир охир.

Буюк алломалар ҳунарнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини алоҳида таъриф-тавсиф этганлар. Халқимиз «Хунар—ҳунардан унар» деганда, одамнинг ризқ-насибаси ҳунардан, меҳнатидан пайдо бўлишини назарда тутган. Бизнинг ота-боболаримиз азал-азалдан ҳунарманд, ижодкору миришкор бўлишган. Уларнинг ҳунарлари орадан неча юз йиллар ўтса-да, ҳали-ҳануз ўз кадр-қимматини йўқотмай, кўрки-тароватини намоиш этиб турибди. Дурадгорлик дейсизми, наққошлик дейсизми, заргарлик дейсизми, боғбонлигу соҳибкорлик, устачилик дейсизми — ҳаммани лолу

⁶ Ким бўлсам экан. Т.: «Ворис нашриёт». 40-42 бетлар.

хайрон қолдирадиган эзгу ишлар аждодларимиз, уларнинг давомчилари бўлмиш бобокалонларимиздан бизларгача етиб келган. Абдуқодир Бедил айтади:

Инсоннинг қиммати эмас симу зар,

Инсоннинг қиммати илм ҳам ҳунар.

Ўзбек халқ ҳунармандчилигини санаб, саноғига етиш қийин. Бешиқсозлик, сандиқсозлик, жайдари арава, қўқон арава, ясси ва баланд зинали аравалар, жилоси-ю нақши, кўз қамаштирадиган пичоқлару, ўймакор курси-курсичалар, чорпоёлар, гулдонлару шамчироқлар, обдаста, жомошов, жом дашшалар... Уларнинг кўпини энди асосан музейларда кўриб, шундай забардасту моҳир санъаткорлар наслидан эканимиздан кўнглимиз олам-олам қувончга тўлади, нечоғлик бой миллий маданиятга эга эканлигимиздан фахру ғурур ҳиссига тўламиз⁷.

Авлод-аждодларимиз ўз ҳунарларини, санъатларини келгуси авлодларга тўла-тўқис етказиш, уларни ўтмишимиз маданияти-ю, санъати билан ошно қилиш учун нечоғли меҳр-ихлос, катта ғайрат-шижоат билан, кўз нуруни, қалб кўруни сарфлаб, тинимсиз меҳнат қилганликларининг гувоҳи бўламиз. Айти пайтда биламизки, бизлар кўрган-билган санъаткорлик, бунёдкорлик маҳсуллари ўз замонасида яратилган асарларнинг дарёдан бир томчиси, холос. Чунки бизнинг давримизга келиб, ҳунармандчиликнинг қадр қиммати кескин пасайиб кетганидан боболардан қолган бойликлар ҳам талон-торож қилиб юборилди, не-не ажойиб касблар — жумладан косибчилик, касаначилик, ҳунармандчилик санъати ишлаб чиқариш рўйхатидан деярли ўчириб ташланди. Чинакам санъат асарлари ўрнини ўйинчоқсифат буюмлар эгаллаб олди.

«Ҳақ жойида қарор топади» деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Мана, вақти келиб, яна ўша ота-боболаримиздан қолган ҳунармандчилик санъатига кенг йўл очилди. Ҳақ ҳақлигини исбот қилди. Лекин бу ишлар энг моҳир ва забардаст усталаримиз оламдан ўтиб кетгандан кейингина йўлга қўйилди. Эндиги гап ёшлар катта қизиқиш, зўр иштиёқ билан аждодлар ишини давом эттиришларига ҳунармандчилик касбини эгаллаш йўлига қунт билан интилишларида қолди.

Қўлида ҳунари бор ўлмайдиам, ўчмайдиам, бировга хор-зор бўлмайдиам. Шоир Бадриддин Ҳилолий шундай дейди:

⁷ О.Тўраева. Одобнома. Т.: «Ўқитувчи», 1995. 119-125 бетлар.

Тиришиб топмасанг бир ҳунар, юз айб,
Бир ҳунар ёпади, бўлса юз айб,
Бор эса ҳунару ақл ҳам тамиз,
Эл наздида доим ул киши азиз.

Ҳунар умри боқий, ўлмас-йитмас мўъжизакордир. Ҳаёт давом этар экан, авлодлар кетидан авлодлар дунёга келар экан, юқорида зикр этганимиз — ноёб буюмлар турмуш эҳтиёжи учун доимо керак бўлиши табиийдир. Зеро, инсон тирик экан, уй-жой қуриши керак, фарзанд кўрар экан, бешик, ғалтакарава керак, қиз узатиш, ўғил уйлантиришга сандиқ-кути, боғ-роғ бунёд қилиш учун эса аввало боғбон, сўнг унинг ҳам ўзига керакли асбоб-ускуналари керак бўлади. Бу нарсаларни бунёдга келтириш учун усталарнинг меҳнати, ишбилармонлиги зарурдир.

Ҳеч ким онадан ҳунарманд бўлиб туғилган эмас. Ўсмир эсини таниб, қўли ишга келгач, ота-онаси зийраклик билан унинг қобилиятини кузатиб, ўзи қизиққан ҳунари соҳибига шогирдликка топширганлар. Шогирднинг меҳнатга муносабати, касб-корга муҳаббатига қараб устозлар ўз ҳунарларни ўргатганлар, мустақил ишлаши учун баҳоли-қудрат шарт-шароит ҳам яратиб берганлар.

«Ҳунар-ҳунардан унар»—дейди доно халқимиз. Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» асарида ёшлар таълим-тарбиясида кони фойда бўлган шундай бир воқеани ҳикоя қилади. Хитой хоқонининг яккаю ягона ўғли Фарҳодни отасининг давлати-ю мансаби заррача қизиқтирмайди. Тожу тахт, шоҳ бўлиш орзуси унга бутунлай ёт бўлиб, ҳунармад бўлиш иштиёқида ёнади ва отасини ранжитиб бўлса-да меросни — тожу тахтни рад этади. Ота ўғлининг маъюс, маълул аҳволини кўриб, унга атаб қаср солдиришга қарор қилади. Фарҳод қаср бунёдкорлари бўлмиш Моний, Боний каби моҳир усталар ёнидан кетмай, улардан тош йўниш, нақш ўйиш ҳунарларини мукаммал ўрганиб олади. Бир куни у отасининг сандиғидаги кўзгуда бир соҳибжамол сиймосини кўриб, унга ғойибона ошиқ бўлади ва Арман мамлакатининг маликаси бўлмиш Ширинни ахтариб, йўлга чиқади. Кўп азиятлар чекиб, гоҳ куруқлик, гоҳ денгизу дарёлар оша Арман мамлакатига етади. Бу сафарида кемада танишиб қолган дўсти — эронлик йигит Шопур унга ҳамроҳлик қилади. Арман мамлакатининг подшоси Меҳинбону «кимда ким Арманистон сарҳадига сув

чиқарса, жияни Ширинни шу кишига никоҳлаб беришга ваъда қилганини» эшитиб, дарҳол ишга киришади. Ўзи учун қурилган қасрда усталар билан баб-баробар ишлаб, уларнинг ҳунарларини эгаллаган Фарҳод тош кесувчилик, йўнувчилик санъатини ишга солиб, саҳрога сув чиқаришга эришади ва доврӯғи ҳамма ёққа тарқалади.

Ёш малика Ширин қўли гул моҳир тошкесар йигитнинг ишини кўргани келиб, ўз аксини тошга йўниб ишлаган Фарҳодга қойил қолиб, уни севиб қолади...⁸.

Бу ерда гап фақат Фарҳоднинг севгиси, дўстона муносабати ва бошқалар хусусида эмас, балки шоҳ ўғли бўлатуриб ҳунармандликка ишқ қўйган, бу иши билан ўз йигитлик шаънини арши аълога кўтарган ва халқ дилида муҳрланиб қолган меҳнаткаш, оқилу фозил инсон ҳақида боряпти. Отанинг давлату мансаби, ҳатто тожу тахти ҳам ҳеч қачон ҳеч кимга вафо қилмагани, бошига бир мушкул иш тушса, бойлигу давлат бу мушкулотдан қутқариб қололмаслиги, фақат энг аввало ўз кучи, билими, ақлу идроки, қолаверса, садоқатли дўстлари-ю, ўрганган ҳунаригина кишини ҳар қандай офат-балолардан асраб-авайлаб қолиши, ҳар қандай мақсадга инсон ўз иқтидори билан эришиши муқаррарлигини ҳозирги ёшларимиз дилларига мустаҳкам жойлаб олишлари ва амалда қўллашлари заруриятдан ҳам зарурдир, Абдурахмон Жомий айтади:

Бандидан чиқиб, бўл ҳунар фарзанди.

Отангга бўлмагин арзанда, банди.

Мактабгача катта ёшдаги болаларни каштачилик ҳунари билан таништириш кашта тикишга ўргатиш уларда ақлий фаолликни, ижодкорликни, бадиий дидни ва бошқа фазилатларни тарбиялаш имконини беради. Бундай фазилатларсиз ижтимоий фаол шахснинг дастлабки асосларини шакллантириб бўлмайди. Қўл меҳнати машғулотларида мазкур фазилатларнинг ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Қўлларнинг фаол ҳаракати эса буюмни гўзалроқ чиқишига олиб келади. Шу туфайли болалар кашта тикиш усулларини тезроқ ўзлаштириб оладилар ва катталар кўрсатмасисиз мустақил ишлай бошлайдилар, бу эса ўз навбатида болалар ижодкорлигининг тез ривожланишига олиб келади.

⁸ О.Тўраева. Одобнома. Т.: «Ўқитувчи», 1995. 119-125 бетлар.

«Болажон» таянч дастурида болаларнинг меҳнат малакалари ўстириш, хунармандчилик турлари билан яқиндан таништириш, хунармандчиликка қизиқтириш таъкидлаб ўтилган⁹.

II Боб бўйича хулоса

Мактабгача катта ёшдаги болаларни ўзбек халқ амалий санъати турларидан бўлган каштачилик хунари билан таништириш кашта тикишга ўргатиш уларда ақлий фаолликни, ижодкорликни, бадиий дидни ва бошқа фазилатларни тарбиялаш имконини беради. Бундай фазилатларсиз ижтимоий фаол шахснинг дастлабки асосларини шакллантириб бўлмайди. Мактабгача таълим муассасасида қўл меҳнати машғулотларида мазкур фазилатларнинг ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Қўлларнинг фаол ҳаракати эса буюмни гўзалроқ чиқишига олиб келади. Шу туфайли болалар кашта тикиш усуллариини тезроқ ўзлаштириб оладилар ва катталар кўрсатмасисиз мустақил ишлай бошлайдилар, бу эса ўз навбатида болалар ижодкорлигининг тез ривожланишига олиб келади.

«Болажон» дастури мазмуни болаларда илк бора миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантириш, миллий урф-одатлар, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиромни кучайтириш мақсадини кўзда тутди.

Дастур йўналишлари болаларни жисмоний ривожлантириш, болаларнинг нутқи ва тафаккурини ривожлантириш, ўз навбатида нутқ ўстириш, бадиий адабиёт, математика каби фаолият турларидан таркиб топиб, болаларни маънан ривожлантиради, тасвирий фаолият, бадиий қўл меҳнати, мусиқа каби фаолият турларини ўз ичига олади.

«Болажон» дастурида катта ёшдаги болаларда меҳнатсеварлик, мустақиллик, меҳнати натижасидан қониқиш сифатларини шакллантириш, хунармандчиликка қизиқтириш, халқ амалий санъати турларидан каштачилик билан таништириш ҳамда кашта тикиш малакасини шакллантириш таъкидлаб ўтилган.

⁹ Болажон таянч дастури. Т: «Sano standart» 2010 йил.135-бет.

Мактабгача катта ёшдаги болаларни каштачилик касбига бўлган қизиқишларини ўстириш қўл меҳнати машғулотида кашта тикишга ўргатиш катта аҳамиятга эга. У мактабда муваффақиятли ўқиш учун зарур хусусиятлар — кўриб идрок этишни, хотирани, образли фикрлашни ривожлантиришга, қўл меҳнати кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Қўл меҳнати машғулотида кашта тикиш тасвирий фаолиятнинг бошқа турлари сингари, эстетик дидни шакллантиради, гўзалликни ҳис қилишга, унинг ранг-баранглигини тушунишга ўргатади.

.....

III Боб. Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш мазмуни

3.1. Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришнинг самарадорлигини ошириш усуллари

Шу боис асословчи тажриба-синов ишлари жараёнида мактабгача ёшдаги болалар ҳамда тарбиячилар билан учрашув ва суҳбатлар ташкил этиш асосида, уларга «кашта», «каштачилик» каби тушунчаларнинг моҳияти борасидаги назарий билимларни беришга ҳаракат қилдик. Бу борадаги ҳаракатимиз амалий фаолият, яъни, каштачилик билан шуғулланувчи ҳунармандларнинг ишларини ўрганишга йўналтирилган экскурсиялар асосида мустаҳкамланиб борилди.

Мактабгача таълим муассасаларида каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришда турли шакл, усул ва воситалар ёрдамидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур ўринда машғулотларнинг ранг-баранг ҳамда қизиқарли ташкил этилиши мактабгача ёшдаги болаларида меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш мазмунида илгари сурилган ғояларни ўрганишга нисбатан қизиқишни ҳосил қилади. Шунингдек, каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг узлуксиз,

изчил, мақсадга мувофиқ ташкил этилиши ҳам тарбияланувчиларнинг машғулотлар жараёнида фаол иштирок этишларини таъминлайди.

Мактабгача таълим муассасаларида каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш қуйидаги шартларга кўра амалга оширилади:

а) машғулотларни ташкил этишда мақсадни аниқ белгилаш (аниқ мақсад асосида машғулотларнинг ташкил этилиши ўз навбатида вазифаларнинг тўғри белгиланиши, машғулот жараёнининг умумий ҳолатини олдиндан башоратлай олиш натижаларнинг тахминий бўлса-да, белгилаб олиниши учун шароит яратади);

б) машғулотларни пухта режа ёки лойиҳа асосида ташкил этиш (ушбу ҳолат аниқ мақсад негизида хусусий мақсадларни аниқлаш, машғулот жараёнининг умумий даври ҳамда босқичларида амалга оширилиши талаб этилувчи вазифаларнинг мавжуд вазиятга мувофиқлигини назорат қилиб бориш, машғулот жараёнида юзага келган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, ҳар бир босқичнинг ягона тизим мазмунига мувофиқ келишига эришиш борасида имконият яратади);

в) машғулотлар режасини ишлаб чиқишда тарбияланувчиларнинг хоҳиш-истаклари, қизиқишлари ва эҳтиёжларини инобатга олиш (назарда тутилаётган ҳолат мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини машғулотларга жалб этиш, уларнинг машғулотлар жараёнида фаоллик кўрсатишларига эришишни кафолатлайди);

г) машғулотлар жараёнида ҳар бир тарбияланувчига нисбатан уларнинг психологик ҳамда физиологик хусусиятларини эътиборга олиш асосида индивидуал ёндашиш (қайд этилган ҳолат тарбияланувчиларнинг машғулотлар жараёнида руҳан ва жисмонан толиқиб қолишларининг олдини олади, ҳар бир тарбияланувчига унинг ички имкониятларига мос келувчи топшириқларнинг берилишини таъминлайди);

д) машғулот жараёнида ушбу жараённинг асосий субъектлари бўлган тарбияланувчилар шахсининг ҳурмат қилиниши, ҳар қандай кўринишдаги фаолликларини рағбатлантирилиб борилишига эришиш (мазкур ўринда рағбатлантириш усўллари сифатида маънавий рағбат-лантиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Зеро, мактабгача тарбия ёши болаларининг психологик хусусиятига кўра улар ўзларининг энг оддий хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳам атрофдагилар эътибор беришларини, қўллаб-қувватлашларини истайдилар. Атрофдагилар томонидан болаларнинг жуда оддий даражада бўлса-да, динамик хусусиятга эга хатти-ҳаракатларининг «Жуда соз», «Баракалла», «Бунини удалай оласан деб кутгандим, янглишмаган эканман», «Берилган топшириқни сифатли қилиб бажаришингга ишонаман», «Жуда сифатли бажарилибди» каби олқишлар ёрдамида рағбатлантирилиб бориши уларнинг машғулотларга бўлган ёндошувларини кескин даражада ижобий аҳамият касб этишига олиб келади. Болада тарбиячи томонидан бериланаётган топшириқни ўз вақтида, сифатли бажарилишига нисбатан масъулиятли ёндошувни қарор топтиради, шунингдек, талаб этилаётган қоидаларга қатъий амал қилиш кўникмалари шаклланади).

е) машғулотлар жараёнининг оддийдан мураккабга томон ривожланиб боришига эришиш (оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига қараб ҳаракатланиш тамойили мактабгача ёшдаги болаларнинг меҳнат тарбиясини ташкил этиш, мазкур каштачилик ҳунари билан таништириш жараёнида тарбияланувчиларнинг толиқиб қолишларининг олдини олиш, дастлабки машғулотларга ўрганилган билимларни янада мустаҳкамланиши учун имконият яратишда муҳим аҳамият касб этади).

Тўғараклар (тўғараклар асосида йўлга қўйилувчи машғулотларининг ўзига хос хусусиятларидан энг муҳими - бу уларнинг фаолияти жараёнига мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ихтиёрий равишда, қизиқиш ҳамда хоҳиш-истакларига кўра жалб этилиши ҳисобланади. Тўғаракларнинг самарали фаолият юритилишининг бош омили ҳам, бизнинг назаримизда, уларнинг ана шу хусусияти билан боғлиқ. Дарҳақиқат, ҳеч қандай мажбурловларсиз болаларнинг турли машғулотларга жалб этилишлари уларда халқ анъаналари ва уларнинг мазмунида акс этган ғояларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш даражасининг пасаймаслиги, аксинча, ортиб боришига замин яратади). Мактабгача таълим муассасаларида каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришга имкон берувчи тўғараклар ҳам турли йўналишларда фаолият олиб борилади.

Хусусан: хунармандчилик тўғараклари: каштачилик тўғараги.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг хоҳиш-истаклари, қизиқиш ва эҳтиёжларига мувофиқ тўғаракларнинг ташкил этилиши асосида уларда меҳнат фаолиятини олиб бориш борасидаги дастлабки кўникма ва малакалар ҳосил бўлади. Бироқ, турли йўналиш ва мавзуларда ташкил этилган тўғаракларнинг самарали фаолият юритилиши ўз навбатида бир қатор омилларнинг устуворлигига боғлиқ бўлади. Чунончи:

- а) тўғарак раҳбарлигини олиб бориш ишига мутахассислик билимларини чуқур ўзлаштирган, касбий маҳорат, шунингдек, йўналиш сифатида танланаётган фаолият тури ва унинг ўзига хос хусусиятлари борасида етарли даражада назарий маълумот ва амалий кўникмаларга эга мутахассисларнинг жалб этилганлиги;
- б) тўғарак фаолиятини доимий равишда, изчил юритилишига эришиш, унинг фаолиятини ота-оналар ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилаётган моддий маблағлар эвазига қўллаб-қувватланишига эришиш;
- в) тўғарак машғулотларининг ноанъанавий методлар ёрдамида ташкил қилиш, бу борада бир хиллик ёки стандарт талаблар доирасида иш олиб бориш анъанасини инкор этишга эришиш;
- г) тўғарак машғулотларини олиб боришда самарадорликка эришган раҳбарлари фаолиятининг рағбатлантирилиб турилишига алоҳида эътибор қаратиш;
- д) мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган тўғараклар билан маҳалла ҳудудида жойлашган устахона ёки ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш.

Тўғаракларда фойдаланиш мумкин бўлган буюмларнинг тайёрланишига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳолат тарбияланувчиларда моддий хом-ашёлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, тадбиркорлик ҳамда зукколик хислатларини тарбиялаш билан бирга улар томонидан иқтисодий билимларнинг энг оддий асосларини ўзлаштирилиши учун замин ҳозирлайди.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, турли йўналишларда фаолият юритувчи тўғаракларга меҳнат фаолиятининг мазкур йўналиши бўйича чуқур билим ва кўникмаларга эга мутахассисларнинг жалб этилиши каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш борасида муайян ютуқларга эришишни кафолатлайди. Мактабгача таълим муассасасида маълум меҳнат фаолияти йўналишининг асосларидан хабардор ҳамда мутахассислик билимларига эга тарбиячилар бўлмаган ҳолда, талаб этилаётган

мутахассисларнинг меҳнат шартномасига мувофиқ четдан жалб этилиши ижобий натижалар бера олади.

Мактабгача таълим муассасаларида каштачилик каби йўналишларда тўғаракларнинг ташкил этилиши болаларда миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш билан бирга уларда сабр-қанотлилик, зукколик, топқирлик, тадбиркорлик, вазиятга тўғри баҳо бера олиш, шахсий имкониятларни тўғри баҳолаш, ўзгалар меҳнатини қадрлаш, ўртоқларига ёрдам бериш каби сифатларнинг тарбияланишига шароит яратади. Шунингдек, тарбиячиларда меҳнатга муҳаббат ҳисси қарор топиб, уларнинг эстетик дидлари ўсади.

Мактабгача таълим муассасаларида каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришда қуйидаги хусусий мақсадларни ҳам амалга ошишига эришиш зарур:

- халқ амалий санъати ва ҳунармандчиликнинг барча турлари мазмунида ифода этилган гоёлар асосида мактабгача ёшдаги болаларда меҳнатга муҳаббат туйғусини шакллантириш, уларда муайян меҳнат фаолиятини ташкил этишга нисбатан кўникма ва малакаларни ҳосил бўлишига эришиш;

- мактабгача ёшдаги болаларда меҳнатни тўғри ташкил эта олиш, вазиятни тўғри баҳолаш, ўз фаолиятини назорат қилиб бориш, уни танқидий баҳолаш, аниқ мақсад йўлида ҳаракат қилиш, мақсадни амалга ошиши борасида қатъийлик кўрсатиш, чидамли, сабр-қаноатли бўлиш, жамоа манфаатлари йўлида курашиш, масъулиятни ҳис этиш, белгиланган тартибга қатъий риоя қилиш ва ҳоказо сифатларни тарбиялаш;

- мактабгача ёшдаги тарбияланувчиларда муайян меҳнат фаолияти натижасидан қониқиш ҳиссини қарор топтириш, улар томонидан яратилган маҳсулот (буюм, жиҳоз, меҳнат қуроли ва бошқалар)нинг сифатини баҳолаш, ушбу жараёнда турли шаклдаги рағбатлардан фойдаланиш асосида болаларда ўз кучига бўлган ишончни юзага келтириш;

- мактабгача ёшидаги болаларда эстетик дидни ҳосил бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

Ўсиб келаётган авлодни меҳнатсеварлик, бунёдкорлик руҳида тарбиялаш халқимизнинг туғма фазилатларидандир. Бунинг учун эса, аввало, уларда меҳнатга, касб-корга қизиқиш уйғотилади. Маълум касб-ҳунар, уни эгаллаган мутахассис тўғрисида дастлабки тасаввур ва тушунча ҳосил қилганидаёқ, кичкинтой кўнглида илиқ ҳислар пайдо бўлади, ҳаёт учун керакли турли нарсаларни ясаётган кишиларни ҳурмат қилишга ўрганади.

Зеро, мактабгача таълим муассасаларида меҳнат тарбияси болаларни уюшқоқлик, меҳнат жараёнига шахсий ташаббус билан қўшилиш, меҳнат фаолиятида ўзини ўзи назорат этиш, ўзига ўзи баҳо бериш, бошлаган ишини охирига етказиш, меҳнатга масъулият билан ёндашиш каби сифатлар билан бирга, ўзгаларнинг меҳнат натижасига ҳурмат, уларнинг касбига қизиқишни тарбиялайди. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим муассасаларида болаларни каштачилик ҳунари билан

таништириш, уларнинг иши инсон учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратиш зарур. Бола ўса борган сари кундалик ҳаётда каштадўзлар яратган уй-рўзгор буюмларига бўлган эҳтиёж, каштачилик хунарининг зарурий касблардан эканлиги билан танишиб боради. Тарбиячи каштачилик хунарининг аҳамиятини болага унинг ёшига мос тарзда аниқлаштириш, давлатимиз томонидан ҳар бир касб эгаларига берилаётган эътибор, улар учун яратилган имтиёз ва шарт-шароитлар ҳақида ҳам эса қоларли қилиб сўзлаб бериши зарур. Ана шунда, айтиш мумкинки,

1. Болаларда каштачилик хунарига хайрхоҳлик, қизиқишни уйғотиш.

2. Каштачилик хунарининг амалий аҳамиятини боланинг эҳтиёжига боғлаб тушунтириш.

3. каштачилик хунари билан таништиришда дастлаб болалар эътиборини меҳнат натижаси, маҳсулига, сўнгра эса меҳнат жараёни ва унда қўлланиладиган воситаларга қаратиш имкони ҳосил бўлади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларни қўл меҳнати машғулотларида каштачилик хунарига бўлган қизиқишларини ўстиришнинг самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш мақсадида аниқловчи ва шакллантирувчи тажриба-синов ишлари олиб борилди. Аниқловчи тажриба синов ишининг вазифалари:

-мактабгача катта ёшдаги болаларни каштачилик хунари билан таништириш ва касбга йўналтиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш.

-мактабгача катта ёшдаги болаларни қўл меҳнати машғулотларида каштачилик хунарига бўлган қизиқишларини ўстириш усуллари ишлаб чиқиш.

-мактабгача катта ёшдаги болаларни қўл меҳнати машғулотларида каштачилик хунарига бўлган қизиқишларини ўстиришни таъминлайдиган воситалар ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва тажрибада текшириш.

-мактабгача катта ёшдаги болаларни қўл меҳнати машғулотларида каштачилик хунарига бўлган қизиқишларини ўстириш бўйича МТМ тарбиячилари учун методик тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқот ишида Тошкент шаҳар ***** туманидаги **-сонли МТМнинг катта ёш гуруҳи тарбиячилари ва тарбияланувчилари билан изланишлар олиб борилди.

Машғулот: “Каштачилик” касби ҳақида суҳбат.

Мақсад: “кашта”, “каштачилик”, “ислимий” тушунчаларини изоҳлаш. Болалар луғатларини дорпеч, кирпеч, сўзана сўзлари билан бойитиш. Каштачилик касбини болаларга ўргатиш орқали уларда меҳнатсеварликни тарбиялаш, миллий ҳунармандлик турларидан бири бўлган каштачилик касбини давом эттириш, каштачиликдаги анъана, удумларни сақлаб қолиб, келажак авлодга етказишни тарбиялаш. Касб-ҳунар ҳақида ҳикматларидан намуна келтириб, мазмунини изоҳлаб бериш. Каштачиликда қўлланиладиган меҳнат қуроллари билан таништириш.

Керакли жиҳозлар: дорпеч, кирпеч, сўзана суратларидан намуналар, ислимий нақш намунаси, ип-игна, илмоқли бигиз, илмоқсиз бигиз.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи: бугун болалар мен сизни каштачилик касби билан таништираман. Кашта, каштачилик сўзларининг мазмунини тушунтириб бераман. (Тарбиячи суратлар орқали кашта, каштачилик сўзларининг маъносини тушунтириб беради.)

Кашта – безак тури дегани. Қўлда ёки машинада белбоғ, дўппи, гул кўрпа, зардевор, кирпеч, палак, сўзана, кўйлак, маҳсиларга тикилади. Каштада ўсимлик, гуллар, ҳайвонлар тасвири акс этирилади. Кашта тикувчи ҳунурманд – каштачи ёки каштадўз деб аталади.

Каштачилик – амалий безак турининг энг кенг тарқалган қадимий тури. Асосан аёллар томонидан бажарилади.

Кирпеч, дорпеч, сўзана, чойшаб каби бадиий буюмларни каштадўзлар тайёрлайдилар. Каштадўзлик ишларида асосан ислимий нақшларни қўллайдилар. Ислимий нақшлардан бири – ўсимликсимон нақшдир. Мана кўринг бу ислимий нақш (тарбиячи ислимий нақш намунасини кўрсатади). Бу нақш банд, куртакли буталардан ташкил топиб, бир-бири билан чирмашиб кетиб, ўсимликларнинг ўхшашлик тасвирини беради. Каштадўзлар Тошкентда босма чок, Шаҳрисабзда йўрма чок, ироқи, Самарқанд, Бухорода ҳам кўпроқ йўрма чокда кашта тикадилар. Каштадўзликда энг кўп тарқалган чоклар – попур, ироқи, илмоқ, чакмоқ, баҳя, йўрма, занжир ва бошқалар.

Мен сизларга кашта тикилган чойшаб, зардевор, кирпеч, палакларнинг рангли тасвирдаги суратларидан намуналар кўрсатаман. Мана улар, келинлар, бирма-бир кўриб чиқамиз.

Кирпеч – кашта тикиб безатилган парда. Уйни безашда ва кийим-кечак тахланган токча ва бошқаларни чангдан сақлашда ишлатилади.

Дорпеч – уй тўрига, тахмон устидан кўндаланг осиладиган безак буюми.

Сўзана – сидирға матога гул тикиб тайёрланган, деворга осиладиган безак буюми.

Гулкўрпа - сатин, бахмал, шойи ва бошқа матоларга турли чокларда тикиб тайёрланади у бадиий кўринишларга эга бўлади. Унинг кашта шакли, асосан ислимий нақшлар бўлиб, кўпинча ўртасига доирасимон гул тикилади ва унинг атрофи гулдор ислимий нақш-ҳошия билан безалади. Сўзана ҳозирда маҳсус машина (попоп)да ҳам тикилади.

Каштачилик қадимий амалий санъат турига киради. Каштачи момоларимизнинг каштачиликда ҳам ўз анъаналари бор экан. Мен мана шу анъаналарнинг баъзилари ҳақида сизларга сўзлаб бераман.

Кашта тиккан қизнинг қанчалик нозиклигини, дид фаросатли эканлиги уларнинг тиккан кашталаридан билар эканлар. Шунинг учун бажаришга ҳаракат қиладилар. Каштачи аёллар каштачилик ишларида (сўзана, дорпеч, кирпеч) озгина бўлсада ишларидан чала жой қолдирар эканлар. Қизим кўлимдаги ҳунарни ўрганиб, ишимни давом эттирсин, ишимнинг давомчиси бўлсин деб. Қизлар ҳунар ўрганганларидан кейин чала қолдирилган ишни тўлдириб кўяр эканлар.

Каштадўзлар безакларни ҳам яхши ниятлар билан танлаб тикар эканлар. Мана бу чойшабдаги анор кўринишидаги ислимий нақш турига эътибор беринг. Бу серфарзандлилик белгиси экан. Она ўз қизига серфарзанд бўлсин деб ният қиляпти. Узумгажак – ислимий нақш тури бўлиб, узун умр кўриш рамзидир. Она болаларига узун умр тилаяпти.

Гаримдори – ислимий нақш тури –кўз тегишдан асраш белгиси она болаларимига кўз тегмасин деган ният билан гаримдори нақшини тикаяпти. Мана мен сизга каштачилик касби ҳақида сўзлаб бердим. Кашта тикиш қизиқарли ҳунар. Сиз бу ҳунарга қизиқибсиз, шу йўлда изланинг, тинмай меҳнат қилинг, бошлаган ишингизни охирига етказинг.

Бугун биз сиз билан каштачилик ва унинг ўзига хос жиҳатлари борасида керакли тушунчага эга бўлдик. ҳозир эса каштадўзларнинг иш қуроллари билан таништираман.

Каштадўзлар турли рангдаги иплардан фойдаланадилар (Тарбиячи намойиш этади). Улар турли матоларга безаклар тикадилар. Масалан, бахмал, шойи ва сатин каби матоларга безаклар тикадилар. (Тарбиячи намойиш этади).

Каштадўзлар ўз ишларида мана бундай меҳнат қуролларидан фойдаланадилар: игна, илмоқли ва илмоқсиз бигиз (ёғоч дастали бўлади), чамбарак (ёғоч тахтадан иккита доира ёки квадрат, тўғри тўртбурчак шаклларида ясалади).

Тарбиячи меҳнат қуроллари бўйича болалар билан савол-жавоб ўтказиб, касб-ҳунар ҳақида ҳикматлардан айтиб, мазмунини очиқ тушунтиради:

ҳунар зар, ҳунарли заргар

ҳунар, ҳунардан ризқинг унар.

Тарбиячи ҳикматлар мазмуни бўйича болалар жавобларини умумлаштириб, машғулоти яқунлайди.

3.2. Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари.

Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришга оид тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳар *****тумани ****-МТМда олиб борилди. Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган мазмун, услуб, педагогик шарт-шароитларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш натижалари тажриба-синов ишларининг асосий йўналишини белгилаб берди. Шунга мувофиқ, тажриба-синов ишларининг иккинчи босқичида мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари учун тайёрланган айрим ишланмалар, услубий кўрсатмалар, болалар учун машғулотлар уларнинг фаолият тизимлари тавсия этилди. Унга кўра тажриба-синов ишларининг:

а) биринчи навбатдаги вазифалари сифатида бевосита тарбиячиларнинг педагогик, психологик билимлари, услубий малакаларини таркиб топтириш;

б) тарбиячиларни болаларда шакллантириш лозим бўлган тасаввурнинг таркибий тамойиллари, уларнинг мазмуни ҳақида етарли маълумотга эга бўлишлари;

в) Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш жараёнини педагогик жихатидан бошқариш, лозим бўлган ҳолларда бу жараёнга муайян тузатиш, ўзгартиришлар киритиш;

г) ҳар бир бола бир дунё, айти пайтда, ўзича ўзгача дунё эканлигини билиш ва шунга монанд фаолият кўрсатиш

д) олинаётган натижалардан тўғри хулоса чиқара олиш масалалари кузатилди. Кузатишларнинг натижалари тарбиячиларда керакли етарли услуб билан таъминланганда педагогик билим ва малака босқичма-босқич такомиллашиб борганини кўрсатади.

Юқоридаги педагогик талабларнинг тажриба-синов бошидаги кўрсаткичлари қуйидаги натижани берган. Тарбиячиларнинг болаларда меъморчилик касбига қизиқишни тарбиялашга оид педагогик билим ва малакалари болаларда шакллантирилиши режалаштирилаётган сифатларни таркиб топтиришда лозим бўлган педагогик шарт-шароитларни таъминлаш учун етарли эмас. Шунинг учун тажриба-синов ишларида бир вақтни ўзида тарбиячиларнинг лозим бўлган билим ва малакаларини шакллантириш учун махсус кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Тарбиячи ва болаларнинг мавзу бўйича қай даражада билим, малака ва кўникмага эга эканликларини аниқлаш мақсадида саволномалар ишлаб чиқилди.

Тарбиячилар учун саволнома

1. Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш самарали натижа беради, деган фикрга қўшиласизми
2. Каштачилик ҳунари билан таништириш ва кашта тикишга ўргатиш машғулотларини неча ёшдан бошлаб олиб бориш лозим деб ўйлайсиз
3. Кашта турларини айтинг
4. Гуруҳингизда болаларни қайси машғулотларда каштачилик ҳунари билан таништириш ишлари олиб борасиз
5. Каштачилик ҳунари билан таништириш машғулотларини бир йилда неча марта режалаштиргансиз
6. Машғулотларда қандай ишланмалардан фойдаланасиз

7. Таклиф ва истакларингиз

Болалар учун саволнома

1. Каштачилик ҳунари деганда қандай ҳунарни тушунасиз
2. Кашта турлари уларни номларини биласизми
3. Кашта тикувчи ҳунаرمандларни кимлар деб аталади
4. Сўзана каби буюмлар қандай безаклар билан безатилган, уларни номларини айтиб бера оласизми
5. Кашта чоклари номини биласизми
6. Сиз катта бўлгач, қандай касб ёки ҳунар асосларини ўрганмоқчисиз

Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш даражаси педагогик тадқиқотларда кенг қўлланиладиган анъанавий шакл-кўрсаткичларнинг «юқори», «ўрта» ва «паст» категориялари билан баҳоланди. Юқори даражадаги болаларнинг фаолиятида мустақиллик, ижодкорлиги акс этади. Уларда ўз фикрларини шарҳлай олиш, ҳимоя қилиш кўникмалари шаклланган. Уларда каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмалари шаклланган. Ўрта даражада шаклланган болалар фаолиятида мустақиллик холлари сезилади, фақат ижодийлик етишмайди ёки унинг акси. Фаолиятларида муайян билим, кўникма мавжуд, лозим бўлганида уни шарҳлаш ва ҳимоя қилишга қодирлар. Қизиқишларда, фаолиятларида мунтазамлик, барқарорлик етишмайди. Бу гуруҳга мансуб болалар каштачилик буюмлари номларини биладилар. Кашта турлари чок номларини биладилар.

Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмалари етарлича шаклланмаган, «паст» деб баҳоланган болаларни юқори даражага кўтариш қийин бўлган болалар мансуб. Уларнинг табиий мойилликлари, қизиқиш бошқа йўналишларга қаратилган, улар ўз табиатларига кўра мутлақо бошқа соҳага қизиқадиладар. Шунинг ҳисобига бирор бир соҳада айтарли даражадаги натижа кўрсата

олмайдилар. Уларни «ўрта» ёки «юқори» даражага кўтариш учун кўпроқ вақт ва кўникма, малака керак.

Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш даражаси педагогик тадқиқотларда кенг қўлланиладиган анъанавий шакл - кўрсаткичларнинг «юқори», «ўрта» ва «паст» категориялари билан баҳоланди.

Даражалар	Даражаларни белгилаш мезони
Юқори	болаларнинг фаолиятида мустақиллик, ижодкорлиги акс этади. Уларда ўз фикрларини шарҳлай олиш, ҳимоя қилиш кўникмалари шакллантирилган. Уларда каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмалари шакллантирилган.
Ўрта	каштачилик касбига бўлган қизиқишлари шакллантирилган болалар фаолиятида мустақиллик ҳоллари сезилади, фақат ижодийлик етишмайди ёки унинг акси. Фаолиятларида муайян билим, кўникма мавжуд, лозим бўлганида уни шарҳлаш ва ҳимоя қилишга қодирлар. Қизиқишларда, фаолиятларида мунтазамлик, барқарорлик етишмайди. Бу гуруҳга мансуб болалар кашта номларини биладилар.
Паст	каштачилик касбига бўлган қизиқишлари етарлича шакллантирилмаган болаларда табиий мойилликлари, қизиқиш бошқа йўналишларга қаратилган, улар ўз табиатларига кўра мутлақо бошқа соҳага қизиқадиладар. Шунинг ҳисобига бирор бир соҳада айтарли даражадаги натижа кўрсата олмайдилар.

Тажриба-синовнинг уч босқичда олиб борилиб, унинг биринчи босқичида тарбиячиларнинг каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришга педагогик, психологик ва методик жиҳатдан тайёргарлик даражаси, болаларнинг тасаввурлари кўлами ва даражалари ўрганилди. Унга монанд тарзда ишланмалар, услубий материаллар ва кўрсатмалар тайёрланди. Иккинчи босқичда бевосита

каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилди. Ва ниҳоят, тажриба-синов ишларининг учинчи босқичида унинг натижалари умумлаштирилди, таҳлил этилди ва қайта ишланган ҳолда муайян тартибга келтирилди. Тажриба-синовнинг шакллантирувчи босқичида таълимий ва тарбиявий жиҳатидан қуйидаги хусусиятлар кузатилди.

Кузатувлар, жараёнларнинг таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, кўпчилик тарбиячиларнинг педагогик ва психологик билимлари ҳамда услубий малакалари етарли даражада эмаслиги, машғулотларга кўпроқ ўйин элементларини қўшиш, болаларда рўй берган ижобий ҳолатларни ўз вақтида рағбатлантириш ва танлаш, қулай шароитлардан оқилона ва мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш борасида йўл қўйган камчиликлари ижобий силжишларнинг суръатига нисбатан юқори эмаслигига сабаб бўлди. Шунингдек, ҳар бир каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шаклланганлик даражаларини аниқлашда муайян соҳадан келиб чиқувчи мезонлар асосида болаларнинг қизиқишлари, қўл меҳнати фаолиятлари бўйича амалга оширилди.

Тажриба-синов ишларимиз якунида каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шаклланганлик даражасини аниқловчи ва шакллантирувчи тажриба-синов ишлари олиб борилди. Аниқловчи ва шакллантирувчи тажриба-синов ишлари орасидаги фарқ таҳлил қилинди ва натижа қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топди.

Болалар сони 20 та	Паст даража	Ўрта даража	Юқори даража
Аниқлов тажриба натижалари	20%	35%	45%
Шакллантирувчи тажриба натижалари	10%	40%	50%

Шундай қилиб, тажриба-синов ишларининг якуний натижаларига кўра ишлаб чиқилган материалларнинг самарадорлигини, илгари сурилган илмий фараз тўғрилигини кўрсатди. Бу борада муайян ижобий натижаларга эришилди.

Юқоридагиларга асосан ўтказилган илмий-тадқиқот ишларида кўтарилган муаммолар ва уларнинг ечимини самарадор эканлиги келиб чиқади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига яқун ясаб, мактабгача катта ёшдаги болаларнинг каштачилик хунарига қизиқишини тарбиялаш асосида меҳнатсеварлик кўникмаларини шаклланганлик жараёнини ўрганиш ва унинг шаклланишини аниқлаш ушбу жараённинг айрим жиҳатлари ва компонентларига тегишли бўлган назарий маълумотларни бир тизимга келтириш имконини беришни ҳамда меҳнат тарбияси шаклланиши жараёнини бундан кейин ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлаймиз. Келгуси тадқиқотларимизда мактабгача катта ёшдаги болаларни каштачилик хунари билан таништириш орқали меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришни кучайтириш ҳамда бир тизимга солишнинг самарали усулларини тадқиқ этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

III Боб бўйича хулоса

Каштачилик хунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш каби катта масаланинг айрим қирраларини кўриб чиқиб шундай хулосага келишимиз мумкин. Болаларда каштачилик касбига бўлган қизиқишларини қўл меҳнати машғулотларида ўстириш керак. Бунини амалга оширишда қўл меҳнати машғулотларининг аҳамияти ғоят каттадир. Болалар билан ишлашда ҳамиша оддийдан мураккабга принципига амал қилиш керак. Уларга бериладиган топшириқларга аста-секин мураккаблик элементларини кирита бориш даркор. Бироқ бунда болаларнинг ёши ва шахсий қобилияти ҳамиша инобатга олиниши керак.

Болаларда диққат, фикрни бир ерга жамлай билишлик, кузатувчанлик, хотира, ирода ва укувни тарбиялаш тарбиянинг асосини ташкил этади. Бунга эришилган тақдирдагина кўзланган мақсад сари дадил одимлаш мумкин.

Болаларни қўл меҳнати машғулотларида каштачилик хунарига бўлган қизиқишларини ўстириш учун тарбиячининг ўзи каштачилик санъати тарихи, каштачилик технологияси ҳақида маълумотга эга бўлиши, кашта турлари, чок

турлари кашта тикиш техникасини мукаммал эгаллаган бўлиши керак. Машғулотлар мунтазам, билимлар системали берилган тақдирдагина болаларнинг кўл меҳнати машғулотларида каштачилик касбига бўлган қизиқишлари ўстириш ҳамда бу орқали уларда меҳнатсеварликни шакллантиришда самарали натижаларга эришилади.

Умумий хулоса

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан комил инсонлар қилиб вояга етказиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида эътибор бериб келмоқда. Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно, ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» деган сўзлари ўсиб келаётган наслга кўрсатилаётган ғархўрликнинг туб моҳиятини ифодалайди.

Ёш авлодга муносиб таълим-тарбия бериш, ҳар томонлама уйғун камолга етказиш масаласи истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Жумладан, мактабгача таълимга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш, миллий қадриятларимизни болалар руҳига сингдириш ишларини намунали йўлга қўйиш ҳаётий заруриятдир. Юртбошимиз таъкидлаганидек «мактабгача таълим тури — болани мактабга тайёрлаш билан бирга, уни соғлом бўлиб ўсишини таъминлайди, мунтазам таълим олишга тайёрлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади»¹⁰.

Каштачилик ҳунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш масаласига болаларнинг мактабгача ёш давриданок аҳамият берилиши Ўзбекистоннинг чинакам фидойи фуқаросини, ватанпарвар инсонни тарбиялаш муаммосининг асосий негизини ташкил этади.

Буларнинг барчаси олиб борилган тадқиқот иши долзарб муаммолардан эканлиги кўрсатувчи жиҳатлардир. Бундан ташқари каштачилик ҳунари билан таништириш асосида болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантириш орқали бола нутқини ҳунармандчиликка оид атамалар билан бойитиш, турли тадбирлар асосида болаларда каштачилик касбига қизиқишни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

¹⁰ Ислом Каримов. Баркамол авлод тарбияси. Т.: "Шарқ", 1998, 149- бет.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари ва тарбияланувчилари билан суҳбат, оғзаки ва ёзма сўровлар ўтказиш, машғулотларни кузатиш натижасида маълум бўлдики, болаларга машғулотлар жараёнида каштачилик хунари билан таништириш орқали таълим-тарбия бериш асосида меҳнат малака ва кўникмаларнинг сифатини орттириш, тарбиячиларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда самарали ютуқларга эришиш мумкин.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим ва тарбиявий ишларни ташкил қилиш ҳамда каштачилик хунари билан таништиришни тизимли амалга оширишда қадимий кашта буюмлари билан замонавий каштачиликни ҳам қиёсий тарзда замонавий талқинда тақдим этиб бориш лозим. Хусусан:

- Ўзбек халқ амалий санъати музейи бўйлаб экскурсиялар ташкил этиш;
- «каштачилик хунари» мавзусида мужассам машғулотлар, суҳбатлар ташкил этиш;
- каштадўз хунарманд кишилар билан учрашувларни мунтазам уюштириш.

Буларнинг барчаси таълим ва тарбиявий ишларнинг мазмуни ва йўналишини англаувчи тадбирлардир.


Мактабгача таълим муассасасида каштачилик хунари билан таништириш орқали болаларда меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришни юқори даражада таъминлаш болаларнинг каштачилик касбига бўлган қизиқишларини кучайтиришга хизмат қилади. Бу эса таълим-тарбия жараёнида самарали натижаларга эришишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни //Баркамол авлод - Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш" Миллий дастури //Баркамол авлод - Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари. "Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида" Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сонли Қарори.

2. Каримов. И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т: Маънавият. 2008й.
3. Болажон таянч дастури. Т: «Sano standart» 2010 й.
4. Ҳасанбоева О.У ва бошқалар. Мактабгача таълим педагогикаси. Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма.- Т: «Илм зиё». 2006й.
5. Ш.Шодмонова. Мактабгача таълим педагогикаси. «Фан ва технология» Т: 2008й.
6. М.Нурматова, Ш.Хасанова. Д.Азимова. Устахонада амалий машғулот. «Чўлпон». Т., 2010 й.
7. Ким бўлсам экан. Т:, «Ворис нашриёт
8. М.Жумабоев. Болалар адабиёти. Т:, «Ўқитувчи», 1994й.
9. О.Тўраева. Одобнома. Т:, «Ўқитувчи», 1995й.
- 10.Р.Хасанов, Х.Эгамов. Т:, «Ўқитувчи», 1995й
- 11.Н.А.Ветлугина. Болалар боғчасида эстетик тарбия. Т:, «Ўқитувчи», 1981й.
- 12.Булатов С.С. Ўзбек халк амалий-безак санъати. Ўқув услубий қўлланма. Т. 1991й.
- 13.Косимов.К. Наккошлик. Т. «Ўқитувчи» 1992й.
- 14.Хасанов Э. Г, Акромхўжаева М, Акромходжаева «Каштачилик» услубий қўлланма. Тошкент-2004 й

Илова



- 1- оддий тепчима чок
- 2- бахя чок
- 3- сиртмоқсимон чок
- 4- хоч чок
- 5- поясимон бахя чок
- 6- халқа чок
- 7- арчасимон чок
- 8- занжир чок

Машғулотнинг мавзуси: «Оналаримиз учун совға»

Машғулот вазифалари: Болаларда байрам кайфиятини уйғотиш, байрам арафасида ўз қўллари билан совға яшаш, уларни ўз оналарига тақдим етишни таклиф қилиш, керакли материаллар ва қайчидан тўғри фойдаланиш юзасидан техник малакаларига ўргатиш.

Машғулотга тайёргарлик.

Болаларга "Онамларнинг байрами" шеърини ёд олдириш, чиннигул хақида сухбат ўтказиш.

Машғулотни жихозлаш.

Рангли мулина ип, рангли мато, қайчи ва х.к.

Машғулотни бориши: Машғулотни бошида тарбиячи қуйидаги шеърни ўқиб беради:

Қуёш кулиб боққан кун,

Баҳор танга - ёққан кун,

Саккизинчи март бугун,

Оналарнинг байрами!

Тарбиячи: "Болалар, шеъримиз нима хақида экан" - тўғри (тарбиячи баҳор фасли, 8 март хақида кириш сухбати ўтказилаётганда Билмасвой кириб келади.

Тарбиячи: Ийе, болалар қаранглар гуруҳимизга Билмасвой меҳмон бўлиб келибди! /Билмасвой ҳамма билан саломлашади/ Билмасвой нега хафа кўринасан. Ким хафа қилди сениг

Билмасвой: Мени ҳеч ким хафа қилгани йўқ, яқинда 8 март, оналаримизнинг байрами экан. Ҳамма ўртоқларим оналарига, опаларига совға тайёрлашяпти, мен ҳам совға тайёрлаб онамга тақдим етишни хоҳлайман. Лекин ҳеч нарса ясашни билмайман. Мен сизлардан ёрдам сўраб келдим.

Тарбиячи: Билмасвой, бизнинг гуруҳга жуда тўғри келибсан. Биз ҳам совға тайёмоқчи бўлиб тургандик. Яхшиси, сен мана бу жойга ўтиргинда /жой кўрсатилади/, барчангиз менинг гапимга диққат билан қулоқ солинг ва кузатиб тулинг, мен сизларга занжир чоки билан гул тасвирини тикишни кўрсатаман. Бунинг учун аввал матони гардишга жойлаб оламиз. Лола гулини тасвирламоқчи бўлсак қизил рангдаги мулина ипдан фойдаланиб матодаги лола расмини занжир чок билан четларини тикиб чиқамиз. Банди ва баргларини яшил рангдаги ип билан тикамиз. Мана гулимиз ҳам тайёр бўлди. Қаранглар, болалар, гул ёқдимиз. Билмасвой сенгачи.

Тарбиячи болаларнинг ишларини кузатади ва ёрдам беради.

Машғулотни якунлаш:

Тарбиячи болалар ишларини биргаликда муҳокама қилади, сўнг Билмасвойнинг бажарган ишини алоҳида баҳолайди.

Қаранглар, болалар, Билмасвой ҳам сизларникига ўхшатиб жуда чиройли гул тасвирини тикиб чиқди. Билмасвой онасини жуда яхши кўрар экан. Болалар, ҳаммамиз онажонларимизни яхши кўрамиз-а. Бу совғамизни байрам куни уларга совға қиламиз.

Машғулот мавзуси «Палак тикиш»

Машғулот вазифалари: Болаларда кашта тикиш истагини уйғотиш, қийинчиликларни енгиш, ишни ораста, яхшилаб бажариш, чиройли кўринишга эга бўлган буюмлар тайёрлаш кўникмасини шакллантириш.

Иш фаолиятини режалаштириш. Харакатлар изчиллигини белгилаб олиш энг зарур усуллар кўникмасини шакллантириш.

Машғулотга тайергарлик:

Болаларни ўз - оналари, опалари ва бувиларининг қўл ишлари билан таништириш, уларнинг ишидан завқланишга ўргатиш, сўзана, кашта, палаклар ҳақида суҳбат ўтказиш.

Машғулотни жихозлаш: рангли мулина иплар, мато, игна, гардиш, қайчи.

Машғулотни бориши:

Тарбиячи машғулотни кириш суҳбати билан бошлайди. Шу пайт гуруҳга бувижонимиз кириб келадилар. Болалар билан саломлашиб бўлгандан сўнг:

-Болажонларим, мен сизлардан ёрдам сўраб келдим. Палак тикаётиб игнамни йўқотиб қўйдим. Сизлар менга палакни тикишда ёрдам берасизларми?- деб сурайди.

Тарбиячи: Болалар, бувижонимизга ёрдам берамизми. /болаларнинг жавоби/. -

Бувижон, Сиз дам олиб туринг, болалар сизнинг илтимосингизни ерда қолдирмай, палакни тикишда ёрдам берадилар, улар жуда чаққон, мохир ва епчил болалар.

Қани болалар, ишга киришдик-а?

Бунинг учун биз рангли мулина ипларни игнага ўтказиб оламиз ва палакдаги гулларни тикиб давом эттирамиз. Болалар ишга киришганларидан сўнг тарбиячи

уларнинг баъзиларига ёрдам бериб боради ва уларнинг мустақил ишларини кузатиб боради.

Машғулотнинг якуни:

Болалар ишларини тугатиб, бувижонларини чақиришади ва ўз ишларини топширадилар. Бувижон ва тарбиячи ишларни яхши бажарган болаларни рағбатлантириб, ўз миннадорчиликларини билдирадилар. Уларга меҳнатнинг таги роҳатлиги тушунтирилади.

Машғулотнинг мавзуси: "Рўмолчани кашта билан безаш"

Машғулот вазифалари: Болаларга кашта чокларининг турларини, қўлланилиш жихатларини тушунтириш игна ва ипдан тўғри фойдаланишга, ипнинг учини тугишга, тикиладиган буюмга қараб мато ва ип рангини танлашга ўргатиш, ўз меҳнатидан завқланиш ва уни қадрлаш малакаларини шакллантириш.

Машғулотга тайёргарлик:

Болаларга турли гуллар билан безатиб тикилган рўмолчалардан намуналар кўрсатиш, уни тикиш унчалик мураккаб эмаслигини айтиб ўтиш.

Машғулотни жихозлаш; рангли мулина иплар, мато, игна, гардиш, қайчи.

Машғулотнинг бориши:

Болалар, бугун биз сизлар билан рўмолчани турли гуллар билан безатиб тикамиз. Бунинг учун мато рангига мос ип танлашимиз керак бўлади, бўлмаса тайёрлаган рўмолимиз хунук чиқади. Болалар мато қандай рангда экан. Демак, ипнинг қандай рангидан оламиз. ҳа, тўғри. энди болалар тасвир четларини тикамиз. Ипнинг учини тугишни унутманг, ҳўпми. Игнани ўнг қўл билан ушланг, чап қўл билан эса гардишнинг четларидан маҳкам ушлаб туринг. Тикишда чок оралари бир хилда бўлсин, акс холда чокингиз текис бўлмайди ва рўмолча чиройли чиқмайди. Игнани эҳтиёткорлик билан ишлатинг. Қўлингизга санчилиб кетмасин. энг чиройли тикилган рўмолчани ота-оналарга, тарбиячи опаларимизга ва бошқа гуруҳ болаларимизга кўрсатамиз.

Таянч сўзлар

Мактабгача таълим -

Билим-

Меҳнатсеварлик –

Малака-

Мохир уста-

Шогирд-

Кашта-

Каштачилик-

Касб-

Касбий тарбия –

Кўникма-

Идрок –

Ижод-

Ижодкор –

Ижодий фаолият –

Қобилият-

Қизиқиш –

Фаолият-

Хунар –
Усул-
Услуб-
Тажриба-
Сухбат методи –
Хунармандчилик -
Амалий санъат –
Импрессив
Экспрессив
Валидация
Дорпеч
Кирпеч
Сўзана
Зардевор
Палак
Ислимий
Каштадўз
Попур
Ироқи
Илмоқ
Чақмоқ
Бахя
Йўрма
Занжир
Попоп